«Муқаддамату-л-адаб» нинг мазкур қўллэзмаси асарнинг ягона тўрт тилли нусхаси бўлиб, мукаммал илмий принциплар асосида тузилган. У арабий-форсий-туркий-мўғулий тиллар бўйича муҳим маълумотга эга нодир қўллэзма манба бўлиб ҳисобланади.

2.1.2. «МУҚАДДАМАТУ-Л-АДАБ» НИНГ «Б» НУСХАСИ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондидаги «Муқаддамату-л-адаб» нинг 2699 сақланиш рақамли қўллэзмасини «Б» нусха сифатида қабул қилдик. Мазкур қўллэзма «Муқаддамату-л-адаб» нинг Тошкентда сақланашётган туркий сўзлик киритилган энг қадими, лекин нуқсонли нусхаларидан ҳисобланади. Қўллэзмага феъллар

қисмигина киритилган. Китобнинг дастлабки саҳифасига Рогибийнинг «Мени ким хаста ҳол этди, фалак ҳам хаста ҳол ўлсун» матлаи билан бошланувчи қуйидаги газали битилган.

منی کім ҳасте حال ایتدی فلك هم خسته حال اولسون
کیجه لار نالیشیدین جاتиғе بوز مینك ملاں اولسون
تحرک دین مرادی از دیار فضل ایمیش کویا
الھی انقلای دمبدن نقص زوال اولسون
منی بیچاره غه دائم ایشی بیداد ظلم ایرمیش
ستمکر لار همیشه مورینکلیغ بایمال اولسون
منی رسوای عالم ایلاماқдین مدعای اول کیم
اولوسغه بو فسانه تا قیامت قیل قال اولسون
کشی کیم راغبی نی لحظه غمدين فراغ ایتىسە
عروج ایلاب قمری دیك کوك اوزه صاحب کمال اولسون

Мани ким хаста ҳол этди, фалак ҳам хаста ҳол ўлсун,
Кечалар нолишимидин жонига юз минг малол ўлсун.
Таҳарруқдин муроди издиёди фазл эмиш гүё,
Илоҳи интиқоли дам бадам нақсу завол ўлсун.
Мани бечораға доим иши бедоду зулм эрмиш,
Ситамгарлар ҳамиша мўр янглиғ поймол ўлсун.
Мани расвои олам айламақдин муддао улким,
Улусга бу фасона то қиёмат қили-қол ўлсун.
Кишиким, Рогибийни лаҳза ғамдин фарог этса,
Уруж айлаб кумридек кўк уза соҳиби камол ўлсун.

«Б» нусханинг бошланиш қисмидан – فعل يفعل – фаъала йафъулу қолипидаги I боб феълларининг 423 таси тушиб қолган. Мазкур қадимий нусханинг энг асосий ноқислиги ҳам мана шундан иборат. Қўлёзма – رد المحتط – радама-л-ҳа: ита – اونکاردى تامنى – ўнгарди тамни феъли билан бошланган.

Бу боб сўзларнинг берилиши ва изоҳланиши бўйича бошқа боблардан фарқланади, унинг ўзига хос хусусиятлари

мавжуд. Одатда, «Муқаддамату-л-адаб» матнида феълларнинг ўтган замон шакли келтирилади, сўнгра уларнинг инфинитив кўриниши, ҳозирги-келаси замон шакли, масдар ёки сифатдош кўриниши берилади. Бу тартиб барча феъллар учун бир хилда эмас. Асарда бир феъл ва бир инфинитив шакл билан ифодаланган ҳолатлар кўпчиликни ташкил этади:

(Б. 1.а. 2-7) كوج قىلدى كوج قىلماق – گاشاما ғашман – غشم غشما
– صرم النخل صراما (Б. 1.б. 2-3) – ساراما
– کуч қилди, куч қилмақ; (Б. 1.б. 2-3) – کسماك
– کستى خرما يغاخى نى کسماك – کэсти хурма
йигачини, кэсмак.

Бундан ташкари асар матнида ўтган замон феъли, унинг ҳозирги-келаси замон кўринишлари, инфинитив шакли билан ифодаланган ҳолатларни ҳам учратиш мумкин: (Б. 4.б. 20-23) يشد اذريلىدی اندین – شد عنه (Б. 4.б. 20-23) – شد عنه
– شذوندا شذوندا
– شذ اذريلىور – شذ اذريلىور – اذريلىور – اذريلىور – شوزع:
 зан – اذريلماق – اذريلماق – ازрилмақ.

Бу мисолда мазкур феълнинг ҳозирги-келаси замон кўринишидаги икки хил шакли берилган. Улардан биринчisinинг тўлиқ туркий таржимаси – اذريلىور – ازрилур берилган бўлиб, иккинчиси мазкур ҳозирги замон феълининг охирги ҳарфи – ر – را: билан белгиланган:

(Б. 5.а. 6) يخس اكسوك بولدى – خس (خ) – хасса – اكسوك بولدى – اكسوك بولدى
– ياخиссу اكسوك بولور – ياخاسсу (را: را) – اكسوك بولور – اكسوك بولور
– خسسه اكسوسوك بولماق – خسسه اكسوسوك بولماق – اكسوك بولماق – اكسوك بولماق
– ساتان ق اساتان ق – ساتان ق (قا) – ساتان ق (قا) – ساتان ق (قا) – ساتان ق (قا).

Ушбу мисолда ҳам феълнинг ҳозирги замон кўринишларидан бирининг остига унинг туркий муодили аксук бўлур ва иккинчisinинг остига ر – را: ҳарфи кўйилган. Асар матнида феъл ортидан келган инфинитив шаклининг уч хил кўриниши берилган бўлиб, улардан биринчisinинг остига унинг таржимаси аксук бўлмақ, иккинчи ва учинчи кўринишлари остига эса ق – қоф ҳарфи ёзилган. Демак, инфинитив

шакли – мақ құшимчаси билан тугайдиган күринишилардан бир нечтаси келтирилган бўлса, матнда уларнинг биринчиси остида унинг тўлиқ туркй күриниши берилган ва қолган вариантларнинг остига қ белгиси қўйилган. Бу эса күринишиларнинг юқоридагидек – мақ құшимчаси билан қўлланилишига ишора этади. Бундан ташқари инфинитив күриниши – мақ құшимчаси билан тугайдиган феъллар ҳам луғат матнида кўплаб учрайди. Уларнинг юқоридаги күринишилари қ – коф ҳарфи билан қўрсатилган. (Б. 8.а. 4-5) – وَثْ – васаба وَثْ وَوْنُبَا – سِكْرُور – سِكْرِيْدِي – сэкрыди, یَسِبْ – یَسِبِيْبَا – وَوْنِيْبَا – васбан ва вусу: бан ва васи: бан күринишилари остига қ – коф ҳарфи қўйилган, бу эса мазкур сўзларнинг айнан сэкрамак мазмунини ифодаланишига ишора қиласди.

Демак, қаттиқ ўзакли инфинитив күриниш – мақ құшимчаси билан тугайдиган шакллар қ ҳарфи, юмшок ўзакли – мақ құшимчаси билан тугайдиган шакллар қ ҳарфи билан белгиланган.

«Муқаддамату-л-адаб» нинг «Б» нусхаси айнан туркй сўзликнинг муҳимлигини алоҳида таъкидлаш мақсадида тузилган. Чунки бу қўлёзмадаги асосий арабий феъллар ва уларнинг масдар ёки сифатдошларининггина форсий муодиллари қўрсатилган холос. Туркй сўзликка келсак, асосий феъллар, уларнинг масдар ва сифатдошлари билан бирга ҳозирги-келаси замон шакллари, инфинитив күринишиларнинг ҳам таржимаси берилган:

(Б. 11.б. 4-5)

Туркй	Форсий	Арабий
پىرس	مقامىٰ كرد	قمار اوينادى
پىرس	-----	قمار اوينار
پىرسا	-----	قمار اويناماق
هو المىرس	این قمار	بوقمار
اب	باز کشت	قيتى

يَنِيب	-----	قِيَتُور
أَيْة	-----	قِيَمَاق
يُؤْوب	-----	قِيَتُور
أَوْبة	-----	قِيَمَاق
[أَوْبَا]	-----	مَثْلَه] م
[إِيَّابَا]	-----	مَثْلَه] م
سَاخ التَّرَاب	فَرُوشَد بَخَاك	بَتِ تَوِيرَاق قَا
يَسِيقْ	-----	بَتَار
سِيَخَا	-----	بَتَمَاق
[يَسُوك]	-----	بَتَار] ر
[سُوكَا]	-----	بَتَمَاق] ق
صَادَه	شَكَار كَرْدَش	أَفَلَادَى أَنِى
يَصِيدَه	-----	أَفَلَار أَنِى
يَصَادَه	-----	أَفَلَار أَنِى
صِيدَا	-----	أَفَلامَاق
هِي المصيَّدة	أَين دَام	بُو تَوَزَّاق
[الْمَصَانِد]	-----	جَمَع] ج
قَس الشَّيْء	اَنْدَازَه كَرْدَجِير	قِيَاس قِيلَدي
عَلَى الشَّيْء	رَا بَر جَيْزِي	نَا اَرْسَانِي نَا اَرْسَاكَا
[قَامَ الشَّيْء]	-----	مَثْلَه] م
بِالشَّيْء	-----	قِيَاس قِيلَور
يَقِيس	-----	قِيَاس قِيلَماق
قِيَاسَا	-----	مَثْلَه] م
[قِيسَا]	-----	قِيَاس قِيلَور
يَقُوس	-----	قِيَاس قِيلَماق
قُوسَا	-----	بُو قِيَاس
هُو الْمَقِيَاس	أَين اَنْدَازَه	

Феълларнинг ўтган, ҳозирги-келаси замон кўринишлари, инфинитив шакллари, улардан ясалган масдар, сифатдошлар, уларнинг кўплик кўринишлари асосан энг кўп, фаол иннатилувчи биринчи боб феъллари мисолида батафсил

ёритилган. Кейинги бобларда феълларнинг ўтган замон кўриниши ва айрим ҳоллардагина улардан ясалган масдар ва сифатдошларгина берилган.

Қўлёзманинг айрим ўринларида, матнадаги маънодош сўзлар ёнида қўлёзма матни хатидан бошқа ёзувдаги мисолларни учратиш мумкин. Бу ҳол асосан مَثَلٌ – мислуху ишораси билан кўрсатилган сўзлар ва бошқа тиллардаги маънодошлари тушиб қолган сўз мақолалари остида учрайди. Масалан, қўлёзманинг 34 а саҳифасида الله على العدو – نصره الله على العدو – насараҳу алла: ху ъала-л-ъадувви мақоласи туркий сўзликда م ҳарфи билан белгиланган. Демак, мазкур жумланинг туркий шакли олдинги жумла мазмунига мосдир. Лекин, кейинги жумла ёнидаги ҳошияда نصرت بيردى تذكرى انكا دشمنى اوزا – نصرت بيردى تذكرى انكا دشمنى اوزا – нусрат бэрди тангри анга душмани уза мазмунидаги ёзув битилган.

Демак, қўлёзма билан кейинчалик танишган китобхон юқоридаги қисқартмаларни имкон қадар тўлдиришга уринган.

Қўлёзма матнига айрим сўзларнинг тўғри ўқилишига доир кўрсатмалар ва уларнинг изоҳи ҳам киритилган, масалан, 76 б. саҳифада арабий الثُّغْرَةُ بِالْأَنْوَافِ – بلکر بولدى – لثغ – ласиға – балтак бўлди, яъни «ш-шлаб гапирувчи бўлди» феъли, ундан сўнг эса унинг сифат кўриниши الثُّغْرَةُ بِالْأَنْوَافِ – هو الثغ – ҳува алсағ – بو بلنك – بونا – бу балтак келтирилган. Мазкур сифат кўриниши ёнида араб тилида битилган қуйидаги жумла бор:

اللَّغْرَةُ هُوَ الَّذِي يَحْوِلُ لِسَانَهُ مِنَ السِّينِ إِلَى الثَّاءِ – Ал-алсағ ҳува-л-лазий йуҳаввилу лиса: нуҳу мина-с-си: н ила-с-са: – «Ал-алсағ» тили «син» ни «са»га айлантирувчи шахсдир». Демак, алсағ фақатгина дудуқ эмас, балки талаффузда «с» товушини тил ва тиш оралиғида сирғалувчи «с» товушига айлантириб гапирувчи шахсни англатади.

Қўлёзмада (Б. 120.6. 1) القَفْرُ هُوَ الْخُواَبُ الْمَرْجَفُ – ҳува-л-қафру сўз мақоласи أَوْرُونْ خَارَابْ – бо ҳараб ўрун – «бўш, кимсасиз,

ташниңдиқ жой» мазмунида изохланган. Мазкур масдарнинг устки қисемига **الخالي من النبات** – ал-ха: ли мина-н-наба: т – «үсімліккіз», «үсімліклардан холи» мазмунидаги ибора тирытилған ва юқоридаги қафр сүзи «бўш, гиёҳсиз жой, чўл» мазмунини ифодалайди.

Демак, күләмнәдә айрим сүзларнинг араб тилидаги изохи айнан шу сўзнинг мазмунини очиб бериш учун қўлланилган.

Күләмдәгі айрим феълларнинг кетма-кет келган иккисінен да маңыздырылады. Бул мәқоласи сифатида көлтирилген. Ана шундай ҳолларда кетма-кет келиб, бир хил маънени ифодалаган сүзларнинг оидингисінде унинг маънодоши күрсатылар, кейингисида да – мислүху ифодаси қўйилар эди. Бу усулдан ташқари кетма-кет келиб бир хил маъно ифодалаган мақолалар ургасидаги арабча ڭ - кила: – «иккиси» мазмунини ифодаловчи белги ҳам қўйилган ва сўзнинг маъноси унинг берилган. Масалан, (Б. 81.а. 3) – سقما – сакума феълининг кейинги келувчи سقما – суқман ва سقما – сақман үринишдаги масдарлари остига юқоридаги ڭ - кила: سوکال بولماق – сўғал оғлини қўйилган ва шаклларнинг маъноси – сўғал Сокал болмак тарзида изоҳланган. Демак, бу белги ҳар иккала سقما – суқманни ва سقما – сакман шаклларининг бир хил үтгап болмак мазмунини ифодалашига ишора қиласади.

Биң юкорида алоқида олинган сүз, исм ёки сифаттнинг араси тишида изоҳланган ҳолларини учратдик. Бу ҳолни сифаттнинг асосини ташкил қилувчи феълларда ҳам учратиш мумкин. Мисалан, (Б. 81.а. 7) – **عَفْت** – ғасрият феъли – **عَفَقَتْ** – киерақ бўлди ъаврат тарзида изоҳланган. Лекин, арабий феълти перпендикуляр йўналишда – **أَلَا تَحْمِلُ الْمَرْأَةُ** – айла: таҳмили-л-мар’ату – «яъни аёл ҳомиладор бўлмади» маконунидиги ибора келтирилган. Юкоридаги – **عَفْت** – ғасрият феълти – **أَلَا تَحْمِلُ الْمَرْأَةُ** – айла: таҳмили-л-мар’ату биримаси

мазмунига айнан мос бўлиб, у ҳам «аёл ҳомиладор бўлмади» мазмунини англатади.

Қўлёзма матнида (Б. 107.б. 1) – غزرت الناقه – газурати-н-на: қату – اوکوش بولدى اینکان سوتى – ўгуш бўлди инган сути ибораси берилган. Мазкур арабий иборанинг юқорисига котиб қўли билан арабча – كثُر لبَنها – касура лабануҳа: яъни, «унинг сути кўп бўлди» мазмунидаги ёзув битилган. Бу эса жумла мазмунини айнан тақрорлади.

Бу ҳолни яна бир мисолда кўриб чиқсак, (Б. 125.а. 3) ايردوك اىنلىك نىكا حىنده – کنا فى الاملاك – кунна: фи-л-амла: ки ибораси эрдук биз анинг никахинда – «биз унинг никоҳида бўлдик», «биз унинг никоҳида эдик» мазмунини англатади. Мазкур иборанинг ёнида اى کنا فى النكاح – ай кунна: фи-н-ника: хи мазмунидаги ибора маъносини тасдиқловчи бирикма киритилган.

Асар матнидаги (Б. 128.б. 7) – أمر الجبل – амарра-л-ҳабла мақоласи – بوكتوردى اوركان نى – бүктурди ўрганин тарзида изоҳланган. Мазкур мақоладан сўнг юқоридаги المرة – امر المرة – ал-миррату масдар кўриниши келган бўлиб, у يب قوتى – يب قوتى – йип қуввати маъносида келтирилган. المرة – ал-миррату сўзининг юқори қисмига котиб қўли билан айнан туркий, форсий матн ёзувида القيل وقوه الجبل أيضا – ал-қи: лу ва қуввату-л-ҳабли айдан – «шунингдек, арқонинг қуввати деб ҳам айтилади», деган мазмунидаги ибора изоҳ тарзида келтирилган. Демак, котиб асар матнидаги айрим сўз мақолаларининг тушунилишини осонлаштириш максадида мазкур сўз мақоласи ёнига унинг соддалаштирилган кўринишини киритиб кетган.

Қўлёзма матнида ёнма-ён келган икки маънодош сўзларнинг биринчисига тўлик мазмуни ёзилган, иккинчисига مثله – мислуху белгиси қўйилган эди. Айрим ўринларда маъноси ўхшаш сўзларга қўйилажак مثله – мислуху белгисини

Тұлдырыш мақсадида дастлабки феъл-сүз қайта тақрорланған. Масалан, құләзмада (Б. 135.а. 3) – اراق الماء – ара: қа-л-ма: ‘а – يقال هر اق – түкди сувни жұмласидан кейин – йуқа: ын ҳары: қа – «харақа деб айтилади» деб күрсатилған. Унинг остигі м белгиси құйилған, демек ҳара: қа феъли мазмунини англатади. Шунга қарамай, белгининг әннегі – يعنى اراق – йаъни ара: қа деб күрсатилған.

Биз юқорида арабий феълларнинг кетма-кет келған шеки мағынодоши билан изохланған ҳолларни учратдик. Шуннингдек, бу ҳолни құләзма таркибидаги форсий ҳамда түркій сұзликда ҳам қўриш мумкин.

Феълларнинг форсий муодиллари қўшалоқ қўлланилған – با طلب کردش – اطلبه (1) – ба: талаб қардаш – حاچش رو اکرد (2) – ҳа: ҳиշ рава: кард; (Б. 141.б. 2) – سیمما را سخه – بیست سرش را – бебаст сараш ра:, марҳам наҳа: д.

Аксариғында арабий феълнинг форсий ва түркій мағынодошиши таркибидаги мураккаб феълларнинг исмий қардайында иккала тилда бир хил қўлланилған вариантлари үйрайды. Бу ҳолда мазкур исмий қием форсий сұзликда гүләз күрсатилған бўлиб, түркій сұзликда эса қолган қисми берилған. Масалан, арабий (Б. 1.а. 5-3) – زهی الرجل – захийа-р-рәжулу жумласи форсий сұзликда – متكبر شد مرد – мутакаббир шуд мард тарзида изохланған, лекин унинг остидаги түркій – هو مز هو – бўлди эр тарзида күрсатилған. Бу эса форсий – تارکیبیدagi متكبر – мутакабbir сұзининг түркій – مازکور қам тегинши эканлигини күрсатади. Бунинг яна бир тобиги тарзида мазкур феълнинг сифатдоши шаклига назар – مازکور لوتیم. Феълнинг сифатдоши – هو مز هو – хува мазхұ;, форсий – این متكبر مرد – ин мутакабbir мард, түркій – ایندی او متكبر او – бу мутакабbir эр тарзида изохланған.

Демак, котиб ўзига хос енгиллик киритиш мақсадида форсий ва түркій сұзлик таркибиға бир хил қўлланилған

сўзларни таржима қилинаётган тилларнинг биринчи, форсий муодилидан кейин келганлиги учун сўзни айнан такрорлаб ёзишга ҳожат сезмаган ва жумланинг давомини ёзиб қўйган.

Қўллёzmанинг айrim ўринларида сўзларнинг ўқилишига доир форсий изоҳлар (Б. 135.а.) ҳам учрайди. Уларнинг хати асосий матн ёзувидан фарқ қиласди.

«Муқаддамату-л-адаб» қўллёzmалари матнидаги сарлавҳалар қизил сиёҳ билан ажратиб кўrsatilgan ва араб тилидагина келтирилган, лекин «Б» нусханинг баъзи сарлавҳалари остида уларнинг туркий таржимаси ҳам ёзилган. Масалан، **أَفْعُل** – афъала қолипидаги тўртингчи боб феълларининг иккинчи ва учинчи ўзаклари вов билан ифодаланган кўринишлари келтирилган ўринда улар **بِالْيَاءِ بَرْ لَا** – бильяе барлаб деб ажратиб кўrsatilgan. Шу сарлавҳа остида – йо бирла деган мазмунда туркийча изоҳ ҳам берилган.

Илмий адабиётларда кўrsatiliшича, X–XIII асрга оид қўллёzmаларнинг аксарияти ўзига хос китобий услубда битилган. Бунда араб алифбосидаги **ظ ص ر ذ د** каби ҳарфлар остига бир нуқта қўйиб ёзиш анъана бўлган. Мана шундай хусусиятни биз таҳлил этаётган қўlёzма матнида ҳам учратамиз. (Б. 1.а. 2-3) – **صَرْمَ النَّخْلَ صَرَاماً** – сарама-н-нахла сира: ман, (Б. 25.б. 7) – **طَلْبَهُ الْبَصَرِ** – талабаху илайҳи, (Б. 38.б. 2) – **فِي الدَّارِ** – барака-л-басару, (Б. 40.б. 3) – **فِي-ذ-دَّا:** ри, (Б. 70.а. 5) – **هُوَ اَدَرَد** (هُوَ اَدَرَد) – хува адрад каби сўзлардаги юқорида кўrsatilgan ҳарфлар остига нуқта қўйилган.

Юқоридаги хусусиятни қўlёzма матнидаги фақат арабий сўзликдагина эмас, балки форсий ҳамда туркий сўзликда ҳам учратиш мумкин. Масалан, форсий сўзликдаги (Б. 77.а. 4) **لا: fir**, (Б. 110.а. 1) – **اَصْلَى شَد** – аслий шуд каби сўзлардаги ра ҳамда шин ҳарфлари остига нукталар қўйилган.

Туркий сўзликдаги (Б. 5.б. 2) – **بَيْلَدَرَادِي** – йилдиради, (Б. 5.б. 2) – **بَوْ اَرْوَق** – йуғфа бўлур, (Б. 80.б. 2) – **بَوْ اَرْعَك** – бу арук, (Б.

110.a. 1) – اصل لىغ بولدى, (Б. 119.a. 2) – қасас
каби сүзлар таркибидаги юқорида зикр этилган ҳарфлар
остига пүкталар қўйилган.

«Мұқаддамату-л-адаб»нинг мазкур құлғымасы таркибидаги арабий сүзлик асосан түлиқ ҳаракатлар билан ёзилған. Форсий ва туркий сүзликларга эса ҳаракат күйілмagan. Лекин котиб айрим үринлардагина сүзнинг үқилишини осонлаштириш, хатога йүл қўйилмаслиги мисадида ҳар иккала сүзликка ҳаракатлар киритган: (Б. 28.6. 7) – **شبس** /Bufsurdob – بفسرداب/ – шубус, (Б. 49.a. 7) – **بۇر** /Bur/ – бурд.

«Б» нусханинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири, кўлғизманинг маълум ўринларида асар матнида келтирилган сўз ва иборалар иштирок этган ҳадислардан намуналар учрайди. Бу ҳол биз тадқиқотимизда истифода этган «Муқаддамату-л-адаб» нинг бошқа қўллэзмаларида учримайди. Масалан, қўллэзманинг 25 а сахифасида арабча (Б. 25.а. 6) – خلب – خلب – ҳалаба феъли берилган ва унинг туркий маннодоши الدادى – алдади тарзида изоҳланган. Ундан сўнг мансур феълдан ясалган сифатдош шакли – خلب – ҳуллабун – بو الداغان يدریم – барқун ҳуллабун – برقون – бу алдаған тийдирим бирикмаси билан келтирилган. Бирикманинг – قال لا يكن برقك برقا خلدا ان خير البرق ما الغيث معه қа: на ни йиқун барқука барқан ҳуллабан ин хайру-л-барқи ма: ал-тайсу маъаху – «Ёмғир келтирмайдиган яшиндан яхшилик кутми. Ундан кейин ёмғир олиб келадиган яшин яхшидур» матмунидаги ҳадис келтирилган.

Күлгөмманинг 47 б саҳифасида арабий – масса феъли берилган, мазкур феълнинг ёнида шу феъл иштирок этган

قال النبي صلى الله عليه وسلم مصوا الماء مصا
کуйидаги ҳадис ёзилган: қа: ла-н-نابи: салла-л-ла: ху ъалайҳи ва саллам:

Массу-л-ма: ‘а массан

Аббу-д-ди: на ъаббан.

Бу ҳадис «сувни тозалаб ичинг, динга чин дилдан эътиқод қилинг» деган мазмунни англатади.

Шунингдек, қўлёзма матнида изоҳланган сўзлар киритилган шеърий парчалар ҳам учрайди, масалан, 102 а тикді انى جذان – لسعته العقرب – ласа-ъатху-л-ъакрабу – тэгди ани чазан ибораси киритилган. Мазкур иборанинг ёнида шу жумла қўлланилган арабча шеърий парча битилган:

قد لسعت حية الھوى کبدي فلا طبيب لها ولا راقى

الا الحبيب الذى شعفت به فعنده رفيقى وترىافى

Қад ласаъат ҳайяту-л-ҳава: кабди: фала: таби: бун лаҳа: ва ла: ра: ки:

Илла-л-ҳаби: бу-л-лази: шуъифту биҳи фаъиндаҳу рафи: ти: ва тария: фи:

«Мұхабbat илони жигаримни жароҳатлади. Мен севиб қолган ёрдан ўзга табиб ва сеҳргар уни қайтара олмайди. Фақатгина у мени озод этиб, даволаши мүмкин».

Кўлёzmанинг охиридаги варақлар тартиби бузилган. Улар қуйидаги кетма-кетликда келади: 177 б, 187 а-192 б, 184 а-185 б, 181 а-б, 180 а-б, 178 а-179 б, 183 а-б, 186 а-б, 194 а-591 б, 196 а-196 б.

186 б варақ олтинчи боб феъллари таркибига кирган تخداعوا
– таха: даъу: – الداشتى لار – алдаштилар феъли билан тугаган. Мазкур феълдан сўнг келган олтинчи боб матнидан 134 та феъл тушиб қолган. Феълларнинг давоми 194 а сахифадаги دشمنلیق قلشتى لار – душманлик килиштилар – таъа: ду: – استشعر خوفا – исташъара хавфандига қадар давом этган. Асар таркибига киритилган 10-бобнинг қолган

кисми – 237 та феъл матндан тушиб қолган. Құлғасма матни 193 а саҳифадаги 10-боб феълларидан – иставса: биҳи хайран – وحیت قیلدی انکا اذکو لوکنی – васийат қылди ангаң түгулукни ибораси билан давом этиб, 193 а-б варажқа 10-боб феълларининг қолган қисми ва уч ўзакли феълларининг – افعان – ифъавъала қолипидаги 12 та феъл ва – فعل – фаялала қолинидаги түрт ўзакли феъл боби таркибидаги 7 та феъл киритилған.

— فعل – фаълала қолипидаги 69 та феъл ва улардан ясалған 8 та сифатдош матндан тушиб қолган. Юқоридаги فعل – фаълала қолипидаги феълларнинг давоми кўлёзманинг 196 ашрагига киритилган ва – وسوس شعوذ – шаъваза феъллари оралигидаги 27 та феъл ёзилган. Кўлёзма матни 196 б сахифадаги شعوذ الرجل – шаъваза-р-ражулу жумласи билан тугаган. Асарнинг тўлиқ матнidan – فعل – фаълала қолипига мансуб 12 та феъл, – تفعل – тафаълала қолипидаги 36 та феъл, – افعال – ифъанлала қолипидаги уч ўзакли феъллардан 6 та феъл, – افعال – ифъалалла қолипидаги IV ўзакли феъл бобидан 21 та феъл ҳамда маҳсус тусланмайдиган феъллар бобига кирган 13 та бирикма тушиб қолган.

Юкоридаги илмий таҳлил натижасида қуидаги холосалар келиб чыкади:

1. «Мұқаддамату-л-адаб»нинг мазкур құлғымаси асарнинг Ташкентта сақланып тұнған нусхаларининг эң қадимийсі қисбланади.
 2. Уининг таркибига киритилған түркій сұзликнинг тұлиқ берилінші мазкур құлғымасын түркій сұзликнинг ақамияттын таъкидлаш мақсадида битилгандығын күрсатади.
 3. Құлғыманы мұкаммаллаштириш мақсадида котиб унта киритилған мураккаб сұз ва мақолаларнинг изохи ва іштірім сұз мақолалари иштирок этган хадис ва шеърлардан нақуналар көлтирилған.

4. Асар матнини илмий таҳлил этиш ва уни илмий истифодага киритиш туркй тилларнинг кам ўрганилган даври муаммолари бўйича қимматли маълумотлар беради ва ҳозирги замон ўзбек тили тараққиётiga самарали таъсир этади.

2.1.3. «МУҚАДДАМАТУ-Л-АДАБ» НИНГ «В» НУСХАСИ

«Муқаддамату-л-адаб»нинг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида 3807 сақланиш рақами остида сақланаётган қўлёзмасини шартли равишда «В» нусха деб белгиладик. Мазкур қўлёзмага асарнинг фақатгина феъллар қисми киритилган, қолган қисмлар тушиб қолган. Асар анъанавий бисмилло билан бошланиб, – فعل يفعل فعلاً – фаъала йафъилу фаълан қолипидаги феъллар билан давом этган. Бу нусха асарнинг бошқа қўлёзмаларидан фарқланиб, унда сарлавҳаларнинг ўзигина келтирилмай, уларнинг изоҳи ҳам берилган. Масалан, биринчи боб қолипининг номи фақатгина берилмай, у янада тўлдирилган ва қуйидагича берилган:

– باب فعل يفعل فعلاً في المعنى وفعولاً في اللازم غالباً – ба: б фаъала йафъилу фаълан фи-л-муътада: ва фуъу: лан фи-л-ла: зими ға: либан, яъни фаъала йафъилу қолипидаги феълларнинг ўтимлисидан фаълан ва ўтимсизидан фуъу: лан шаклида масдар кўриниши ясалади. Бу далиллар «В» нусханинг «Муқаддамату-л-адаб» нинг бошқа нусхаларига нисбатан илмий тўлиқлигига ишора қиласди. Яна бир мисол, қўлёзманинг 104 б саҳифасида – فعل يفاعل فاعل – фа: ъала йуфа: ъилу қолипидаги учинчи боб феълларининг – مفاعلة – муфа: ъалатан ва فعلاً – фиъа: лан қолипидаги масдар кўринишларига қўшимча – فيعلاً – фи’я: лан шакли ҳам берилган.

Қўлёзмада унинг китобат тарихи кўрсатилмаган. Мазкур нусханинг қадимийлиги, қофози, ёзувига асосланган ҳолда уни XIV аср нусхаси деб белгиладик. У «Муқаддамату-л-адаб» нинг уч тилли нусхалари орасида мухим ўрин тутади. Қўлёзманинг умумий ҳажми 136 варакни ташкил этиб, ҳар бир варакқа 9 қатордан матн жойлаштирилган. Арабий матн йирикроқ насх хатида, қора сиёҳда текис ёзилган. Боб номлари қизил сиёҳда ажратиб кўрсатилган. Қўлёзма таркибидаги форсий ҳамда туркий сўзлик матни ҳам қора сиёҳда, майда насх хатида битилган. Форсий ва туркий сўзлик матни аксарият ҳолларда арабий матннинг остига, икки сатр оралиғига, турли йўналишларда жойлаштирилган. Қўлёзманинг айрим вараклари (2 б, 3 а-б, 4 а-б, 5 а-б, ва ҳ.к.) ҳошиясида аниқ сув доғлари билиниб туради. Нусханинг дастлабки 20 варагидаги матн четида у кўп фойдаланилганидан бўлса керак, қора доғлар пайдо бўлган. Бу эса матнни ўқишида қийинчилик туғдиради. Қўлёзма матнидан айрим сабабларга кўра тушиб қолган сўз мақолалари котиб томонидан саҳифа ҳошиясиға киритилган (1 б, 10 б, 12 а, 13 а, 15 а ва ҳ.к.). 2 а саҳифасининг юқори қисмида китобга эгалик қилган шахснинг соддагина мухри урилган. Үнда ملا عبد العزيز – «Мулла Абдулазиз» ёзувини ўқиш мумкин. Шунингдек, мухр ёнида این کتاب ملا عبد العزيز اخوند که دور البت – «Ин китоб Мулла Абдулазиз охунд (ни) кидур албат» мазмунидаги ёзув ҳам бор. Қўлёзма матнида асарнинг бошқа нусхаларидағи каби белгилар кўлланилган. Масалан, кетма-кет келган арабча синоним сўзларнинг туркий ҳамда форсий муодиллари مثلاً – «мислуху» сўзи билан кўрсатилган. Бунда ҳар бир сўзликка алоҳида кўйилмай, иккала сўзлик учун битта ёзилган.

Шартли қисқартмалардан кўплик шаклини ифодалаш учун эса چ белгиси қўлланилган. Қўлёзманинг арабий

матни асосан ҳаракатлар билан берилган, лекин ҳаракатсиз келтирилган сўз мақолалари ҳам учрайди. Арабий матннинг форсий, туркий муодиллари ёки улардан бирортаси тушиб қолган сўз маколалари ҳам мавжуд. Мазкур қўлёзма матнида «Муқаддамату-л-адаб» нинг қадимий қўлёзмаларидағи каби **ر د ض ص** ҳарфларининг остига нуқта кўйиш ҳоллари учрайди (18 б, 44 а, 113 а). Қўлёзма сўнгидан – افعـل يـفـعـل – ифъалалла йафъалиллу қолипидаги еттита сўз мақоласи ҳамда тусланмайдиган феъллар боби – بـا: بـعـلـاـلـلـاـ – ба: бу-л-афъа: ли ғайри-л-мутасарифати тушиб қолган. Матн اشـمـازـ عـنـ الـأـمـرـ – نـوـمـيـدـ بـوـلـدـيـ اـيـشـدـيـنـ – – навмид бўлди ишдин сўз мақоласи билан тугаган.

Демак, «Муқаддамату-л-адаб» нинг мазкур нусхаси асарнинг қадимий, нодир қўлёзмаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Унинг таркибиға киритилган туркий сўзлик ўзининг оригиналлиги билан асарнинг бошқа нусхаларидағи туркий сўзликдан ажралиб туради. Мазкур қўлёзма «Муқаддамату-л-адаб» нинг мукаммал йиғма матнини яратишида муҳим аҳамиятга эга.

2.1.4. «МУҚАДДАМАТУ-Л-АДАБ» НИНГ «Г» НУСХАСИ

«Муқаддамату-л-адаб» нинг қўлёзмаларидан яна бири Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида сақланади. 1479 сақланиш рақамли бу қўлёзмани шартли равишида «Г» нусха деб белгиладик. Асарнинг бу қўлёзмаси унинг қадимий, нодир нусхаларидан бири ҳисобланади. Унинг таркибиға муқаддима, исмлар ҳамда феъллар қисми киритилган. Қўлёзма матни ўзига хос китобат услубида битилган. Асарнинг қисмлари ягона китобат шаклига кел-

тирилган бўлиб, уларни илмий таҳлил қилиб ўрганиш бу қисмлар орасида фарқ борлигини кўрсатади. Афтидан, давр жиҳатидан қадимийроқ бўлган феъллар қисми, кейинчалик нисбатан янгироқ кўчирилган муқаддима ва исмлар қисми билан тўлдирилган. Бу эса асар таркибига киритилган сўзликларда ҳам ўз аксини топган. Китобат даврига кўра янгироқ бўлган муқаддима ва исмлар қисмiga арабий сўзлик билан бирга форсий сўзлик ҳам киритилган. Феъллар қисми эса юқоридаги сўзликларга қўшимча туркий сўзлик билан тўлдирилган. Нусханинг муқаддимаси ҳамда исмлар қисми юпқа, шалдироқ қўқон қоғозига настаълиқ хатида битилган. Феъллар эса сарғиш рангли, оҳорланган, силлиқ, шарқ ипак қоғозига қора сиёҳ билан ёзилган. Арабий матн йирикроқ насх хатида, форсий, туркий мудиллари эса сатрлар оралиғига, сўз мақоласининг остига турли йўналишларда майда насх ёзувида жойлаштирилган. Сарлавҳаларни кўрсатувчи феъл боблари ҳамда ажратиб кўрсатилган ўзак ҳарфлари қизил сиёҳ билан кўчирилган. Феъллар қисмининг биринчи саҳифаси йўқолган, ундаги матн кейинчалик муқовалаш ишқида бошқа хат билан ёзиб киритилган ва остига *صح البياض ضربه في الماء* – саҳха-л-байа: да, яъни «аслига тўғри» деб кўрсатилган. Мазкур саҳифадаги матн таркибига асосий қисмдаги каби туркий сўзлик киритилган эмас. Феъллар қисмининг қадимий бўлаги – дарабаҳу фи-л-ма: и сўз мақоласи билан бошланган. Кўлёзма ҳошиясига тушиб қолган сўзлар, изоҳлар, тўлдиришлар (1 б, 6 б, 16 б, 20 а, 22 б ва х.к.) асосий матнни кўчириган котиб қўли билан киритилган. Матн ҳар бир саҳифага 10 қатордан жойлаштирилган. Саҳифалар котиб томонидан ракамланган. Кўлёзма матнидаги форсий ҳимда туркий сўзлик матни анчагина қийинчилик билан ўқилади, чунки туркий, форсий сўзлик мақолаларида нуқталар қўйилмаган ўринлар кўп учрайди. Юқоридаги ҳар

иккала сўзлиқдан бири берилиб, иккинчиси изоҳланмаган ҳолатлар ҳам мавжуд. Қўлёzmанинг сўнгги варағи (88 б-89 а), ҳошиясига иккита тухумсимон, битта юмалоқ муҳр урилган. Муҳр ёзувлари жуда хира. Асарнинг бу қўлёzmаси китоб охиридаги тўртбурчак муҳр ёзувига кўра, Ўзбекистон Давлат ҳалқ кутубхонасининг қўлёzmалар бўлимида ҳам сақланган. Қўлёzма куйидаги қисқа колофон билан тугайди:

تمت كتابته على يد الفقير عبد الرحمن الخزاري ثم البلاخي تم حل لغة المسمى
بأسماء أفعال على ترتيب علم الصرف من مصنفات علامه الزمخشري

«Асар котиб Абдураҳмон ал-Хазарий ал-Балхий қўли билан ёзиб тугатилди. Аллома Замахшарийнинг сарф илми тартибида тузилган асарларидан исмлар, феъллар деб аталувчи сўзлар изоҳи тугади». Қўлёzmада унинг китобат тарихи кўрсатилмаган, лекин илмий таҳлилиминиз унинг асосий қисмини XIV асрга оид, деб ҳисоблашимизга асос бўлмоқда.

«Муқаддамату-л-адаб» нинг «Г» нусхасидаги туркий сўзлик матни унинг «В» нусхаси таркибидаги туркий сўзлик матнига ўхшаш. Бу жиҳатдан ҳар иккала қўлёzmадаги туркий сўзлик матни бир-бирини тўлдиради. Асарнинг «В» нусхасидаги туркий сўз мақолаларини «Г» нусха мазмунан тўлдиради.

Демак, «Муқаддамату-л-адаб» нинг «Г» нусхаси асарнинг XIII–XIV асрларда китобат қилинган нодир қўлёzmаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

2.2. «МУҚАДДАМАТУ-Л-АДАБ» НИНГ ЧЕТ ЭЛЛАРДАГИ ҚЎЛЁЗМАЛАРИ

«Муқаддамату-л-адаб»нинг кўплаб нодир қўлёzма нусхалари чет эллардаги қўлёzма фондларида ҳам сақланмоқда. Уларнинг аксарияти Ўзбекистон худудида ёзилган

ва турли сабаблар туфайли ташқарига олиб чиқиб кетилган. Тадқиқотимизда асарнинг чет эллардаги мавжуд қўлёзмаларининг илмий тавсифини келтиридик.

2.2.1 «МУҚАДДАМАТУ-Л-АДАБ» НИНГ РОССИЯ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ ФОНДИДАГИ ҚЎЛЁЗМАЛАРИ

Россия ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалари фондида «Муқаддамату-л-адаб»нинг учта ноёб қўлёзмаси сақланмоқда. Биринчи қўлёзма С 1297 сақланиш рақами остида рўйхатга олинган. Қўлёзманинг ҳар бир қисми тугал асардек шакллантирилган, улар бисмилло билан бошланиб, хотима билан тугайди. Ҳар бир саҳифага саккиз қатордан матн жойлаштирилган. Арабий сўзлик матни йирик насх хатида, қора сиёҳда ёзилган, сарлавҳалар ажратиб қўрсатилган. Қўлёзма ҳошиясида, айниқса исмлар қисми ҳошиясида турли тўлдиришлар мавжуд. Ҳарфлар қисмининг айрим сўzlари остида уларнинг араб тилидаги изоҳи ҳам берилган. Қўлёзма таркибидан феълларнинг тусланишига бағишиланган охирги қисмининг бир бўлаги тушиб қолган. У المصدر – ал-масдар боби билан тугаган. Қўлёзма 763 хижрий, 1361–1362 милодий йили китобат қилинган.

Россия ФА Шарқшунослик институти фондидағи А 1192 сақланиш рақамли қўлёзмага эса асарнинг феъллар қисмигина киритилган. Унинг дастлабки саҳифасида феъл бобларининг номлари мундарижга тарзида берилган. Бу қўлёзма асарнинг арабча-форсча-туркийча сўзлик киритилган манбаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Матн ҳар бир саҳифага тўққиз қатордан жойлаштирилган. Асарнинг пойгирлари тўлиқ. Қўлёзмага феъллар қисмининг матни тўлиқ киритилган.

Сарлавҳа кўринишида берилган феъл бобларининг номи ажратиб кўрсатилган. Қўлёзмадаги арабий матннинг ҳаракатлари саводли кўйилган. Шартли қисқартмалардан синоним сўзларни ифодаловчи **منه** – мислуҳу – «унга ўхшаш» иборасигина қўлланилган. Асар таркибидаги туркий матнда ҳам ўрни билан ҳаракат кўйилган сўзлар учрайди. Қўлёзма ҳажми 90 саҳифадан иборат.

Мазкур фондда «Муқаддамату-л-адаб» нинг XIV–XV асрларда китобат қилинган яна бир нодир нусхаси сакланади. С 271 сақланиш рақамидаги бу қўлёзма таркиби арабий-форсий-туркий сўзлик киритилган. Унинг таркибидаги туркий сўзлик анчагина қадимий қатламга мансуб бўлиб, у Рабғузийнинг «Қисасу-л-анбиё» асари тилига яқин ва ҳатто уни асар муаллифининг замондоши киритган бўлиши мумкин⁹. Бу қўлёзма илмий адабиётларда «Самарқанд» нусхаси деб ҳам аталади. Уни В.Л. Вяткин Самарқанд шаҳридан 1897 йили сотиб олган ва Рус Академиясига топширган¹⁰. Мазкур қўлёзма таркибидаги туркий сўзлик ҳар тарафлама ўрганилиши, илмий истифодага киритилиши лозим.

2.2.2. «МУҚАДДАМАТУ-Л-АДАБ» НИНГ МАҲАЧКАЛА НУСХАСИ

Доғистондаги Тарих, тил ва адабиёт институти фондида «Муқаддамату-л-адаб» нинг арабча-форсча-туркийча сўзлик киритилган уч тилли қўлёзмаси (№ 26) мавжуд. Бу нодир нусха 731 ҳижрий, 1330 милодий йили Хоразмда котиб Маҳмуд бин Юсуф ас-Сабайни ас-Саран томонидан

⁹ Бартольд В.В. Собрание сочинение I, VII, - М. 1973, 465 с.

¹⁰ Баевский С.И. Описание персидских и таджикских рукописей института народов Азии. – М. Наука. 1968, 10-12 с.

кўчирилган. Унга муқаддима, исмлар ва феъллар қисмлари киритилган¹¹.

2.2.3. «МУҚАДДАМАТУ-Л-АДАБ» НИНГ ТОЖИКИСТОН НУСХАСИ

«Муқаддамату-л-адаб»нинг яна бир қўлёзмаси Тожикистон ФА Шарқшунослик институти фондида сақланади. Бу арабча-форсча қўлёзма 1074/1664 йили кўчирилган. Унга муқаддима ва исмлар қисмининг бир бўлاغи киритилган¹².

2.2.4. «МУҚАДДАМАТУ-Л-АДАБ» НИНГ ТУРКИЯ ФОНДЛАРИДА САҚЛАНАЁТГАН ҚЎЛЁЗМАЛАРИ

Туркия қўлёзма хазиналарида ҳам «Муқаддамату-л-адаб»нинг йигирмадан ортиқ қўлёзмалари сақланмоқда. Уларнинг аксарияти китобат даврига кўра анчагина қадимий ҳисобланади.

«Муқаддамату-л-адаб» нинг тарихи кўрсатилган энг қадимиий қўлёзмаси унинг Ёзгат нусхаси ҳисобланади. Туркия нинг Ёзгат шаҳрида Маориф кутубхонаси фондида 396 ҳужжат рақами остида сақланган мазкур қўлёзма ҳозирги Истамбулдаги Сулаймония кутубхонаси хазинасига кўчирилган.

Қўлёzmанинг дастлабки варақларига Куръоннинг «Нух» ва «Жин» сураларидан парчалар ёзилган. Асарнинг муқаддима қисми тушиб қолган.

¹¹ Каталог арабских рукописей института истории, языка и литературы Дагестанского филиала АН СССР. М., 1977, 26-27 с.

¹² Каталог восточных рукописей АН Таджикистана. Душанбе. I., VI., 1983, 55-56 с.

Асосий матн исмлар қисмининг – شاح – ша: хун, – میان بند, – миия: н банд, – قرین باغى – қарин баги сўзи билан бошланган. Бу қисмда «Муқаддамату-л-адаб» қўлёзмаларининг исмлар қисмида қўлланилган шартли қисқартмалар истифода этилган. Исмлар қисмининг матни тўлик, лекин маҳсус колофон кўринишида шакллантирилмаган. Феъллар қисми тўртбурчак нақшли унвон билан бошланган, унга **كتاب الأفعال** – кита: бу-л-афъа: л мазмунидаги ёзув киритилган. Асарнинг ҳарфлар, исмларнинг турланиши, феълларнинг тусланишига багишланган қисмлари тугал асардек бисмилло билан бошланиб, хотима билан тугаган. Арабий матн йирик сулснасх хатида, кора сиёҳда ҳаракатлар билан ёзилган. Боб, фасл сўзлари сарлавҳа тарзида қизил сиёҳ билан ажратиб қўрсатилган. Қўлёзма матнидаги сўзларда учраган **ظطض ص د ز ر** – каби ҳарфлар остига нукталар қўйилган. Туркий, форсий сўзлик матнида ҳаракатли ўринлар учрайди. Асар матни 347 варақдан иборат бўлиб, ҳар саҳифага етти қатордан матн битилган.

Ёзгат құләзмасидағи туркій жумлаларнинг сүз тартиби асарнинг бошқа құләзмалариңдаги туркій сүзлик тартибидан фарқланади. Масалан, арабий الطَّعَام – ҳана’ аху-т-таъа: му жумласи асарнинг «А», «В», «Г» нусхаларида سینکى انکا اش – طَعَام سِنْكَى انْكَا – таъа: – сингди анга аш, Ёзгат нусхасида эса سینکى انکا – تَهْنَاء الطَّعَام – таъа: м сингди анга шаклида берилған. Яна бир мисол, арабий اوردی نَضَحَه بِالْمَاء – надаҳаҳу би-л-ма: ‘и ибораси «А» нусхада سبْتَی انکا سف نی – نَضَحَه بِالْمَاء – урди ани сув бирла, «В», «Г» нусхаларида سبْتَی انکا سف نی – اَنْكَا سَفْ نَی – сәпти анга сувни тарзида изохланған. Бу жумла тавсифланаётган Ёзгат құләзмасида سف بِرَلا اوردی سُف – сув бирла урди күринишида келтирилған. Мазкур құләзма ўзининг қадимийлиги, туркій сүзликнинг нодирлиги жиҳатидан ҳам алоҳида тадқиқот объекті бўлиши зарур. Асар матни катта ҳажмли хотима-колофон билан тугаган. Ундаги маълумотга

кўра, бу қўлёзма 655 ҳижрий йил, учинчи жумаду-л-аввал шанба, яъни 1257 йил 27 май куни Хоразмда котиб Иброҳим бин Маҳмуд Суфи ал-Муаззин томонидан кўчирилган.

Китобат даврига кўра кейинги қўлёзма Истамбул университети кутубхонасида (инв. № 4655) сақланади. Қўлёзма асарнинг туркий сўзлик киритилган энг ноёб нусхаларидан бири ҳисобланади. Асар хотимасидаги ёзувга кўра, мазкур қўлёзма 715 ҳижрий йил сафар ойининг 25 куни, яъни 1315 йил 1 июнь куни котиб Масъуд бин Муҳаммад бин Муса Хўжа ал-Барчкандий томонидан кўчирилган. Бу қўлёzmани Ҳожи бин Ёкуб ҳижрий 840 зу-л-ҳижжа, милодий 1437 йил июнь ойида 220 мидод дирҳамга сотиб олган.

«Муқаддамату-л-адаб» нинг яна бир нодир нусхаси Дамад Иброҳим Пошша кутубхонасидаги 1149 рақамли қўлёzmадир. Қўлёzmанинг дастлабки саҳифалариға Дамад Иброҳимнинг шахсий муҳри, унинг вақфига тегишли муҳрлар урилган. У муқаддима билан бошланган. Муқаддиманинг арабий матни остида сатрма-сатр форсий таржимаси ҳам берилган. Исмлар, феъллар, ҳарфлар, исмларнинг турланиши, феълларнинг тусланишига бағишлиланган қисмлар тўлиқ, ўзига хос колофон билан яқунланган. Асосий арабий матн йирик насх хатида, форсий матн эса настаълиқда қора сиёҳ билан берилган. Ҳарча сарлавҳалар қизил сиёҳда ёзилган. Ҳарфлар қисмининг бошланишидаги айрим сўзларнинг остига арабий изоҳи берилган. Ҳар бир саҳифага 7 сатрдан матн жойлаштирилган.

Мазкур ноёб қўлёзма Хоразмда машхур «Ал-Байдা» мадрасасида Ибодуллоҳ Муҳаммад бин Юсуф ас-Саройи қўли билан битилган. Китобат тарихи ҳижрий 738 йил шаъбон ойининг бошлари, яъни 1388 йил февраль ойининг охири деб кўрсатилган. Ҳозирда бу қўлёзма Сулаймония кутубхонаси фондида сақланади.

Истамбулдаги Археология музейи құләзма фондида 1619 сақланиш рақамида рүйхатта олинган құләзма «Муқаддамату-л-адаб» нинг муҳим нусхаларидан бири ҳисобланади.

Мазкур құләzmани Закий Валидий Тұғон «Олтин ўрда» нусхаси деб атайды¹³. Бу құләзма асарнинг тұлиқ нусхаси бўлиб, унга мавжуд қисмларнинг барчаси киритилган. Асарнинг бошланиши, исмлар билан феъллар қисмларининг ораси, құләzmанинг охирида араб ва форс тилларида ёзилган рисолалар бор. Улардан бири «Хурсон устози» деб аталмиш Аҳмад бин Маҳмуд бин Мұхаммад ан-Нисопурийнинг мусиқа илмига оид рисоласидир. Құләzmанинг ҳар бир қисми бисмилло билан бошланиб, тамма билан тугаган. Сарлавҳа қизил сиёҳ билан ажратиб күрсатилган. Құләzма ҳошиясига қўплаб тўлдиришлар киритилган, китоб соҳибларининг муҳрлари урилган. Ҳар бир саҳифага 15 қатордан матн жойлаштирилган. Форсий матн қора, туркий матн қизил сиёҳда настаълиқ хатида битилган. Құләzmанинг ҳажми 201 варакдан иборат. Құләzма таркибидаги биринчи – исмлар қисми котиб Ҳибатуллоҳ ас-Саройи қўли билан Эски Сарой шаҳрида 10 муҳаррам 741 ҳижрий йил (милодий 1340 йил 6 июль куни) ёзилган. Асарнинг иккинчи – феъллар қисми ҳам айнан шу котиб томонидан 740 ҳижрий йил шаввол ойининг бошларида (милодий 1340 йил апрель) кўчирилган. Ҳарфлар қисмининг китобат тарихи ҳам құләzма сўнгига кўрсатилган. У 26 муҳаррам 741 ҳижрий, яъни 1340 йил 12 июлда ёзилган. Құләzма таркибидаги асар қисмларининг кўчирилиш тарихи феъллар қисмининг дастлаб кўчирилганлигини, сўнгра исмлар ҳамда ҳарфлар қисмлари ёзилганлигини кўрсатади. Асар таркибига арабий, форсий, туркий сўзлик матни киритилган.

¹³ Togan Z.V. Zimahseri'nin Dog'u Turkcesi ile «Mukaddimatu'l-Edeb» I // Turk Medeniyati, N 14. – Istanbul: 1965. 84 s.

Миллат кутубхонаси фондидағи 2009 сақланиш рақамли құләзма 749 ҳижрий, 1348 милодий йили Хоразмга қарашли Сирдарё ҳавзасидаги Жанд шаҳрида Мавлоно Ҳисомуддин ал-Жандий томонидан күчирилган. Арабий, форсий, туркий сұзлик матнлари киритилган бу құләзма келгусида албатта маҳсус тадқиқот объекті бўлмоғи лозим.

Хадича Турхон нусхаси номи билан машҳур навбатдаги құләзма Истамбулдаги Янги Жомий кутубхонасида 322 сақланиш рақами остида рўйхатга олинган. Бу «Муқаддамату-л-адаб» нинг ўзига хос китобат усулида ёзилган, мухим илмий аҳамиятга эга, ноёб құләзмаларидан бири бўлиб хисобланади. Ундаги арабий сұзлик форсий ҳамда туркий муодиллар матни билан таъминланган. Құләзма муқаддима билан бошланади, сўнгра исмлар қисми киритилган. Исмлар қисмидаги ҳар бир сўз мақоласи алоҳида ажратиб кўрсатилган. Форсий, туркий муодиллар сатр остида жойлаштирилган бўлиб, уларнинг аксариятига ҳаракатлар қўйилган. Құләзма матнида «Муқаддамату-л-адаб» нинг «А» нусхаси матнида қўлланилган шартли қисқартмалар системаси ишлатилган. «А» нусхада шартли қисқартмалар ҳар иккала сұзлик учун алоҳида тақорланган бўлса, Хадича Турхон нусхасида форсий, туркий сұзлик учун битта шартли қисқартма қўлланилган. Исмлар қисми қўйидаги колофон билан тугаган.

تم القسم الأول من مقدمة الأدب بحمد الله تعالى وهو قسم
الأسماء وينتهي القسم الثاني وهو قسم الأفعال

«Муқаддамату-л-адаб» нинг исмларга бағишлиланган биринчи қисми тугади, кейинги иккинчи қисми феъллар қисмидир».

Феъллар, ҳарфлар, исмларнинг турланиши, феълларнинг тусланишига бағишлиланган қисмлар бисмилло билан бош-

ланиб, махсус хотима билан тугайди. Улардаги грамматик матн тўлиқ харакатлар билан таъминланган. Қўлёзма колофонидаги маълумотга кўра, мазкур нусха котиб Абдулоҳид бин Абдулмажид ас-Сивасий томонидан Мисрда 769 ҳижрий йили рабиу-л-охир ойида, милодий 1367 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида мархум Амир Сирғатмиш (?) га мансуб Тулу жомеъи ёнидаги Ҳанафия мадрасасида битилган.

Қўлёzmанинг кўпгина саҳифаларига Турхон Волида номи кўрсатилган муҳр урилган. Сарлавҳалар қизил сиёҳ билан кўчирилган. Матн ҳар саҳифага 11 қатордан жойлаштирилган. Қўлёzmанинг боши, ўртаси, охиридаги варақларига китоб соҳибининг тухумсимон муҳри урилган.

Истамбулдаги Тўпқопи саройи қўлёзмалар фонди таркибиға кирган Аҳмад III кутубхонасидаги XIII–XIV асрларда кўчирилган 2243 рақамли қўлёзма, мазкур кутубхонадаги Шамс Хивақий томонидан ёзилган 2470 сақланиш рақамли XIV аср нусхаси, шунингдек, 2741 рақамли арабча-форсча-туркий сўзлик киритилган қўлёзма, буларнинг барчаси «Муқаддамату-л-адаб» матнини илмий таҳлил қилиш учун муҳим манба бўлиб хизмат қиласди. Бу қўлёзмалар ёзув хусусияти, китобат услубига кўра Ўрта Осиё ҳудудидаги минтақаларда кўчирилган.

«Муқаддамату-л-адаб» нинг яна бир муҳим қўлёзмаси Сулаймония кутубхонасида сакланувчи 648 рақамли Ҳожи Башир Оға нусхасидир.

У муқаддима билан бошланган. Арабий матн остида муқаддиманинг форсий таржимаси ҳам берилган. Қўлёzmанинг дастлабки саҳифаларига турли шаклдаги муҳрлар урилган. Улар орасида Ҳожи Башир Оғанинг шахсий ва вақфига тегишли муҳрлари ҳам бор. Асосий матндан олдинги варақларда бошқа асарлардан бўлаклар келтирилган ва мазкур қўлёзма Ҳожи Башир Оға қўлига ўтганлиги ҳақида ёзув ҳам битилган.

Исмлар қисми матни муқаддимага уланиб кетган. Унда Ҳадича Турхон қўлёзмаси матнидаги каби шартли қисқартмалар берилган. Исмлар қисми мукаммал колофон билан тугагилган. Қўлёзмадаги феъллар қисми тўлиқ берилган. Унинг колофонида асар Аҳмад бин Муҳаммад Шамсул-Хивақий Кубравий томонидан 8-сафар 797 ҳижрий йил (милодий 2-декабрь 1394 йили) Мисрда ёзилганлиги кўрсатилган. Колофон ёнида эса бу қўлёзма асарнинг Хоразм олимлари томонидан кўриб чиқилган нусхалар билан Мисрда 797 йил 9 рабиу-л-аввал (милодий 1395 йил 3 январь) куни киёслангандиги ҳакида ёзув бор. Қўлёзманинг ҳар бир саҳифасига 13 қатордан матн жойлаштирилган.

Феъллар қисми тугагандан сўнг асарнинг муқаддимаси қайтадан кўчирилган. Сўнгра исмлар қисмининг матни тўлиқ қайта келтирилган. Унинг таркибига туркий сўзлик ҳам киритилган. Исмлар қисмининг ҳошиясиға кўплаб тўлдиришлар, грамматик қоидалар, ҳадислардан намуналар, шеърий парчалар ёзилган. Қўлёзманинг бу қисми ҳам анчагина қадимий бўлиб, матн сўнггида унинг ҳижрий 749 (милодий 1348) йил кўчирилганлиги кўрсатилган. Саҳифага 8 қатордан матн киритилган. Ёзув услуби, китобат хусусиятларига кўра, бу қисм олдинги қисмга нисбатан илгарироқ кўчирилган.

Демак, «Муқаддамату-л-адаб»нинг Ҳожи Башир Оға қўлёзмаси таркибига икки нодир нусхаси киритилган. Унинг таркибидаги қадимий туркий сўзлик муҳим илмий аҳамиятга эга.

«Муқаддамату-л-адаб» нинг аниқ тарихи кўрсатилган, арабий-форсий-туркий сўзлик матни киритилган нодир қўлёзмаларидан яна бири Отиф Афанди нусхаси хисобланади. 2768 сақланиш рақамли бу қўлёзма 799 ҳижрий, 1379 милодий йили китобат этилган. Қўлёзманинг котиби Шайх

Даққоқ исми билан танилган Муса бин Мурсил бўлиб, ушбу асар таркибидаги туркий сўзлик мухим аҳамиятга эга.

Асарнинг дикқатга лойиқ қўллётмаларидан яна бири сифатида Маниса кутубхонасидаги 2850 сақланиш рақамили нусхани келтириш мумкин. Бу қўллётма Ҳибатуллоҳ бин Қосим бин Аҳмад бин Масъуд бин Ҳисомуддин ас-Саройи томонидан Амир Мурод бин Амир Шоҳин бин Амир Иззуддин саройидаги кутубхона учун маҳсус кўчирилган сарой нусхаси ҳисобланади.

Қўллётманинг бошланиш қисмидан бир неча вараг тушиб қолган. Асар муқаддиманинг – خطبائهم و مترسليهم و شعرائهم – хутаба: ихим ва мутарсили: ҳим ва шуъара: ихим сўзлари билан бошланган. Исламлар қисми тўлиқ кўчирилган. Феъллар қисми бисмилло билан бошланган, матни тўлиқ. Қўллётманинг бошланиши ҳамда охирги варагига Маниса кутубхонасининг юмалоқ муҳри урилган. Муқаддимадаги ёзувга кўра, мазкур қўллётма Аламий Али Афандининг вақфига кирган – وقف مرحوم على افندى. Қўллётма ҳошияларига кўплаб тўлдиришлар, грамматик изоҳлар киритилган. Арабий сўзлик матни йирик насл хатида, форсий сўзлик матни эса сатрлар оралиғига настълиқ хатида ёзилган. Ҳар бир саҳифага 9 қатордан матн жойлаштирилган. Қўллётманинг жами ҳажми 270 варакдан иборат. Асарнинг мазкур нусхаси 800 ҳижрий йилнинг 25-рамазону-л-муборак, сесанба (милодий 1398 йил 12 июнь) куни ёзиб тугатилган.

«Муқаддамату-л-адаб» нинг арабча-хоразмийча нусхаси Кўния нусхаси номи билан илмий истифодага кирган. Бу қўллётма Юсуф Оға кутубхонасида дастлаб 1755, сўнгра 6919, ҳозирги кунда 5010 инвентар рақами остида сақланмоқда. Қўллётманинг бошланиш қисми нуқсонли бўлиб, у исслар қисмининг қариндош-урӯғчиликка бағишланган бобидаги ع – аммун – «камаки» сўзи билан бошланган.

Асарнинг исмлар қисми анъанавий хотима билан тугаган. Исмлар қисмининг умумий ҳажми 31 варагни ташкил этади. Феъллар қисмининг матни тўлиқ сақланган. Исмлар ва феъллар қисмларида ҳар бир саҳифага 8 қатордан матни жойлаштирилган. Арабий сўз мақолаларининг араб ёзувидағи хоразмий муодили сатрлар орасига ёзилган. Мазкур қисмларнинг хотимасида уларнинг китобат тарихи кўрсатилган эмас. Қўлёzmани илмий ўрганиш, китобат хусусиятларини таҳлил этиш уни XII асрга оид деб ҳисобланинг асос бўла олади. Бундан ташқари, асарнинг арабий матни XII–XIII аср қўлёzmалари хатига ўхшашиб йирик сулс-насх ёзув услубида ёзилган. Бу далил ҳам қўлёzmанинг қадимиyllигига ишора киласди.

Қўлёzма таркибиага асарнинг учинчи – ҳарфлар, тўртинчи – исмларнинг турланиши, бешинчи – феълларнинг тусланиши қисмлари ҳам киритилган. Мазкур қисмлар дастлабки қисмлар ёзувига нисбатан кичикроқ, лекин қадимий ёзув услубида битилган. Сарлавҳалар йирик, сулс-насх хатида ажратиб кўрсатилган. Қўлёzма матни билан танишиш унинг ўта моҳир хаттот томонидан кўчирилганлигини кўрсатади. Қўлёzmанинг охири ҳам нуқсонли. Нусхадан асардаги феълларнинг тусланишига бағишлиланган бешинчи қисм таркибиага кирган ўтган, ҳозирги-келаси замон, буйруқ майлига бағишлиланган боблар, шунингдек, масдар, аниқ ва мажхул даражага сифатдошлари, сифат даражалари, макон ва замонни англатувчи исмлар қисмлари тушиб қолган. Қўлёzма ҳамзали феъллар фасли билан тугаган.

Закий Валидий Тўғон илк бор 1927 йили мазкур қўлёzма матни билан танишган ва 1948 йили уни тадқик эта бошлаган. У 1951 йили Истамбулда «Хоразмча таржи-мали «Муқаддамату-л-адаб» китобини нашр этади. Китоб таркибиага «Кўния» қўлёzmасининг факсимиль нашри ва

у ҳақидаги қисқача мақола киритилган. Олим факсимиль нусханинг ҳошиясида Ветштейн нашр этган «Замахшарийнинг арабча-форсча лугати» асарининг саҳифаларини «F» ҳарфи, Исҳоқ Ҳожа Аҳмад Афандининг «Ақса ал-арабфи таржимати Муқаддимат ал-адаб» асари саҳифаларини «T» ҳарфи билан кўрсатган¹⁴.

Анқарадаги Турк тил қуруми кутубхонасида ҳам «Муқаддамату-л-адаб» нинг бир неча нодир қўлёзмалари сақланмоқда. Бу қўлёзмаларнинг топилиши асарнинг нусхалари ҳақидаги маълумотларни янада бойитади. Улардан биринчisi арабча, форсча, туркий сўзлик матнлари киритилган А 187 сакланиш рақамли қўлёзмадан исмлар қисми тушиб қолган. Асар матни феъллар қисми билан бошланган. Аксарият сўз мақолаларининг арабий асли остига туркий муодили киритилган, форсий сўзлик матни эса тўлиқ акс эттирилмаган. Қўлёзма матни муҳим илмий аҳамиятга эга, чунки арабий сўзлик матни билан бир қаторда туркий сўзлик матни ҳам ўқиши осонлаштириш мақсадида ҳаракатлар билан таъминланган. Матн ҳар бир саҳифага 11 қатордан жойлаштирилган бўлиб, форсий, туркий муодиллар бир текис ёзилган. Қўлёзма ҳошияларида турли тўлдиришлар, китоб соҳиби муҳрларининг изи бор. Феъллар қисми қиска хотима билан тугаган. Ундаги маълумотга кўра, мазкур қўлёзма 873 ҳижрий йил, ўн иккинчи зу-л-қаъда, якшанба куни пешинда, милодий 1469 йил 24 май куни Константинопол шаҳридаги Аё София мадрасасида кўчириб тугатилган. Қўлёзма таркибига «Муқаддамату-л-адаб» нинг ҳарфлар, исмларнинг турланиши, феълларнинг тусланишига бағищланган қисмлари ҳам киритилган. Уларнинг ҳар бири бисмилло билан бошланиб, анъанавий тамма билан

¹⁴ Horezmce Tercumeli Muqaddimat al-adab. Yayınlayan Zeri Velidi Togan – İstanbul: 1951.

жамланган. Құләзма сүнгидә котиб ҳамда китобат тарихига оид маълумотлар көлтирилған. Котиб – Абдулкарим ал-Мунталавий Эр Ҳасан Базъалий ат-Тақвий.

Турк тил куруми хазинасидаги кейинги құләзма А 502 рицами остида сақланади.

Құләзма таркибиға исмлар ҳамда феъллар қисмлари киритилған. Исмлар қисмининг дастлабки 4 варағи йўқолған, у кейинчалик ўзга котиб қўли билан тўлдирилған. Ҳар бир саҳифага ўн бир қатордан матн жойлаштирилған. Феъллар қисмининг матни тўлиқ бўлиб, охирги саҳифадаги матн бошқа котиб томонидан ёзилған. Мазкур құләзмага арабий, туркий сўзлик киритилған, лекин феъллар қисмининг бошланиш қисмидаги эллик варақ матнга кейинчалик сўзларнинг форсий муодиллари билан кўшилған ва асосан ҳошияга жойлаштирилған. Форсий сўзлик хати туркий сўзлик хатидан фарқ қиласи. Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур құләзма таркибидаги туркий сўзлик Тошкент нусхалари таркибидаги туркий сўзлик қатламиға айнан ўхшайди. Шу жиҳатдан ҳам құләзма матнини илмий ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, мазкур кутубхона фондидә «Муқаддамату-л-адаб»нинг туркча сўзлик киритилған бир неча нодир құләзмалари ҳам сақланмоқда.

Туркия құләзма фондларида «Муқаддамату-л-адаб»нинг яна кўплаб ноёб құләзмалари мавжуд. Уларнинг аксирияти Сулаймония кутубхонасиға жамланған. Лекин турли шахсий құләзма хазиналарида ҳам ҳозирги кунда сақланып калған нусхалар бор. Улар жумласига 736 ҳижрий, 1336 милодий йили кўчирилған 674 сақланиш рақамли Напа Исмоил кутубхонаси құләзмасини, Бурсадаги Харажжи үли кутубхонасидаги 1444 рақамли нусхани, Измир, Фотих, Сerez, Аё София құләзма фондларидағи ўндан ортиқ ноёб құләзмаларни киритиш мумкин.

Ууман, «Муқаддамату-л-адаб»нинг Туркия қўлёзма фондларида сақланаётган нусхаларининг барчаси бирбиридан муҳим, нодир манбалар ҳисобланади. Шуни таъкидлаш лозимки, мазкур қўлёзмаларнинг туркий сўзлик киритилган қадимий нусхаларининг аксарияти ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида китобат этилган. Бу эса ушбу қўлёзмаларнинг маданиятимиз, фанимиз тарихи, маънавий меросимиз сарчашмаларини аниқлаш, уларни тадқиқ этиш учун муҳим манба бўлиб хизмат этажагини кўрсатади. Асарнинг Туркия қўлёзмалари орасида икки тилли арабча-форсча, арабча-туркийча, арабча-туркча, арабча-хоразмийча, уч тилли арабча-форсча-туркийча сўзлик киритилган нусхалари учрайди. «Муқаддамату-л-адаб» нинг Туркия қўлёзмаларини тадқиқ этиш асарни ўрганишда янги бир саҳифани очади.

2.2.5. «МУҚАДДАМАТУ-Л-АДАБ» НИНГ ЭРОН ФОНДЛАРИДА САҚЛАНАЁТГАН ҚЎЛЁЗМАЛАРИ

Эрон қўлёзма фондларида «Муқаддамату-л-адаб» нинг саккизта нодир қўлёзмаси сақланмоқда.

Муҳим қўлёзмалардан бири асарнинг Шуштар нусхасидир. Туркиялик олим Нури Юже мазкур қўлёзма таркибидаги туркий сўзликнинг транслитерациясини 1988 йили эълон қилди¹⁵. Бу қўлёзма Эроннинг Шуштар касабасида яшовчи Шайх Мухаммад Тақийнинг кутубхонасида сақланмоқда. 1967 йили Ўрҳан Билгин мазкур қўлёзмани аниқлаб, Истамбулга олиб келади ва ундан Сулаймония кутубхонасида микрофильми олинади. Қўлёзмани нашрга тайёрлаш вақтида

¹⁵ Nuri Yuce. Mukaddimetu'l-edeb. Hvarizm turkcesi ila Suster nushasi – Ankara: 1993.

тицирий нусхада аниң чиқмаган ўринларни Метрол Тулум кайтадан құләзма билан қиёслаб солишириб чиқади.

Мана шу тайёрланған матн асосида Нури Юже асардаги түркій сўзликнинг тилига бағишенгандын тадқиқотни яратади. «Муқаддамату-л-адаб» нинг Шуштар нусхасини унинг Тошкент нусхалари билан қиёслаш унинг нодир манбалардан бири жаңалигини күрсатди.

Асарининг бошланишидан I боб феълларига бағишенгандын тағти қисми, түлиқ матнининг тахминан ярми тушиб қолган. ۱۷۰۳م - أَفْلَى مِنْ أَفْلَى - афъала йуғғылу ифъя: лан қолипидаги IV боб феъллари билан бошланади. «Муқаддамату-л-адаб» нинг Тошкент нусхалари таркибига юқоридаги феъл бобларининг барчаси киритилған. Тошкент құләзмалари матнидан Шуштар нусхасида мавжуд бўлған ۱۷۰۴م - يَقُولُ مِنْ يَقُولُ أَفْعَالًا - ифъаввала йафъаввилу ифъивва: лан боби тушиб қолган.

«Муқаддамату-л-адаб» нинг Шуштар құләзмаси таркибидаги түркій сўзликнинг умумий ҳажми 3506 сўзни ташкил этади. Шу жумладан, 2908 таси түркій, 598 таси ўзбекша, яъни 450 та арабча, 133 та форсча, 5 мўғулча, 4 та китабзимча, 2 та сўғдча, 2 та русча, 1 та тибетча ва 1 та юнонча сўзлардир¹⁶.

Шуштар нусхасининг Тошкент нусхаларидан энг муҳим фиқрни жиҳати шундаки, Тошкент нусхаларидаги ҳар бир зорбий сўзининг остига унинг бир түркій муодили, айрим ўриншардигина иккى түркій муодил келтирилған. Шуштар нусхасида беға аксарият ҳолларда иккى, уч, ҳатто тўрт түркій зорбий келтирилған ўринлар ҳам учрайди. Масалан, иккى муодилини ўринлар: чиқарди ани бурчдин, би: за: р қилди ани бурчдин (Ш. 1-7); сигиндуурди ани анга, қисарлади ани анга (Ш. 2-8); көлтурдиди анга ўқунчни, ўқунч сўнгланди анга (Ш.

¹⁶ Nurî Yuce, Mukaddimatu'l-edeb. Hvarizm turkcesi ilâ tercumeli kitabı (1988). Ankara: 1988/ 24-25 s.

5-3); ўлжалади анларга тэварни, га: рат килурди анларға ма: лни (Ш. 5-8);

Уч муодилли ўринлар: азди йўлдин, йангилиди йўлни, йава қилди йўлни (Ш. 1-2); ўтсуз-сувсуз бўлди кишиларнинг йўраси тэгрэси, қизликлу бўлди будзунлар йани, сувсиз бўлди тўрт йани (Ш. 3-5); кўнгулга душмас сўз сўзлади, ғари: б сўзлади сўз ичинда, дангсуқ сўз сўзлади (Ш. 4-5); ўрта бўлди ай, ай йарулади, ўртасинга йэтти ай (Ш. 1-138);

Тўрт муодилли ўринлар: кэнду ўзин танг кўрди, куванди кэнду ўзи бирла, тангға кэлтурулди ўзи била, кэнду тангланди (Ш. 1-5); эрки қилди ма: лни, ми: ра: с алди ма: лни, эскиртти ма: лни, йигди эски ма: лни (Ш. 7-8); қавушти нарса, чатук бўлди нарса, йаншунди нарса, йаншунди нарса бири биринга тэгди нарса (Ш. 4-138).

Кўлёзмада эгани изохлаш ҳоллари ҳам учрайди, масалан: йугурди анлар уза атлиглари бирла, йаъни чёриги бирла (Ш. 3-6. 7), ўтсуз-сувсуз бўлди кишиларнинг йўраси, тэгрэси (Ш. 3-5).

Шуштар нусхасида туркий ёзма ёдгорликлар тилида XIII–XIV асрларга қадар кенг қўлланилган کندو – кэнду ўзлик олмоши ҳам учрайди. Бу олмош «Муқаддамату-л-адаб» нинг Тошкент нусхаларида фаол қўлланилган: кэнду ағир сўгал бўлди (Ш. 8-22), кэнду тилаклу қилди қулни (Ш. 8-25), кэнду кисқа бўлди (Ш. 7-41), кэнду ассо алди (Ш. 6-52).

Шунингдек, қўлёзма матнида мазкур олмошнинг – اوز ўз шакли ҳам қўлланилган: ўз сўзин буза сўз сўзлади (Ш. 2-50), ўз мулкинга қайтарди тишини бўшамишдин сўнг (Ш. 2-115), кэнду ўзин кўрди (Ш. 1-5), битиди кэнду ўзи учун ба: тил сўзларни (Ш. 6-128).

Кўлёзмада эски туркий ёзма ёдгорликлар тилида кенг истеъмолда бўлган тақи олмоши қўлланилган: йунгул қилди ани сэвинч тақи қадзғу (Ш. 4-7), идзди анга йалгуз

савчини тақи битигни (Ш. 8-10), бүлук бэрди анга ўтдин тақи билигдин (Ш. 4-17), бўйа йэтди ўғлан тақи мэва пишди (Ш. 6-26).

Мазкур қўлёзма матнида ә – д, ә – з, ә – й ундошлари фонетик ҳодисаси аралаш ҳолда учрайди: қадғурди (Ш. 8-145), қазғурди (Ш. 2-175), тикилди азақи уза (Ш. 1-129), эл айақ тэгурди тишига (Ш. 1-58), бузунлар (Ш. 3-5), қазғу (Ш. 4-7), тарди андин қайғуни (Ш. 7-77). Д, з, й ундошларининг қоришик ҳолда учраши XI–XIV асрларга оид эски туркий тил ёдгорликларида қўлланилган.

Шуштар нусхасини Тошкент нусхалари билан дастлабки қиёслаш жараёни бу нусха матнининг Ўзбекистон ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сакланувчи 3807 ракамли XIV аср қўлёзмаси матнига яқинлигини тасдиқламоқда.

Шуштар ва Тошкент нусхасидаги туркий сўзликни яққолроқ тасаввур қилиш мақсадида – أَفْعُلْ يَفْعُلْ – афъала йуфъилу қолипидаги IV боб феълларининг бир қисмини қиёсий келтирмоқдамиз.

Шуштар нусхаси
Башлади ишни
Чиқарди ани бурчдин
Би: за: р қилди ани бурчдин
Игланди ишда
Йақага йақди кэмини
Сувватди ани
Ўкутди анга Кур'анни
Лайди анга сала: мны
Сала: м қилди анга
Сигиндуруди ани анга
Қисарлади ани анга

Тошкент нусхаси
башлади ишни
кутарди ани бурчдин

игланди ишда
йақага йақди кэмини
сувватди ани
ўкутди анга Кур'анни
сала: м ўқиди анга
сигиндуруди ани анга

Билдурди анга фала: н нарсани Кўпарди йэл булатни Бай бўлди эр, барлу бўлди эр Эмгатти ани	хабар берди анга ани кўпарди йэл булатни бай бўлди эр
Арғузди ани, жана: батлиғ бўлди Башлиқин йунгу бўлди Кэнгликлу бўлди ўрун Йазди йазуқ қилди	арғузди ани, жана: батлиғ бўлди неъматлу бўлди йэр йазуқ қилди
Элтди ани Элтди ани, элту берди	элтди ани
Алтунлади курра: сани Алтун бирла бэзади мусҳафни	алтунлади курра: сани
Миндурди ани атқа Мунут берди анга атни	миндурди ани атни
Кўлдаш қилу берди анга нарсани	эшлантурди анга нимани
Ашлантурди	

Шуштар нусхасининг умумий ҳажми 119 варакдан иборат бўлиб, қофоз бичими 26,5x17 см, матн ўлчови 19x19,5 см ни ташкил этади. Ҳар бир сахифага 8 қатордан арабий сўзлик жойлаштирилган. Арабий сўзлик насх элементлари киритилган йирик сулс хатида битилган. Форсий, туркий сўзлик эса сатрлар остига майдо насх хатида ёзилган. Кўлёзма ҳошиясида кўплаб ибораларнинг шарҳи бор.

Эроннинг Техрон, Машҳад қўлёзма фондларида ҳам «Муқаддамату-л-адаб» нинг еттита қўлёзмаси мавжуд. Улардан тўрт нодир нусха Техронда, уч қўлёзма нусха Машҳадда сақланмоқда.

Демак, «Муқаддамату-л-адаб» нинг Эрон қўлёзмалари, жумладан Шуштар нусхаси лугатнинг бизгача етиб келган нодир қўлёзмаларидан ҳисобланади. Шуштар нусхасининг

матни устидаги дастлабки изланишларимиз унинг XIII–XIV асрларда китобат этилганлигини тасдиқламоқда. Бу нусханинг ўзига хослиги «Муқаддамату-л-адаб» нинг мавжуд қўлёзмалари орасида туркий сўзликнинг кенг изоҳланишидан иборатdir. Асарнинг Эронда сақланаётган қўлёзмаларини асарнинг бошқа нусхалари билан қиёсий ўрганиш муҳим илмий вазифалардан биридир.

2.2.6. «МУҚАДДАМАТУ-Л-АДАБ» НИНГ ХИНДИСТОН ҚЎЛЁЗМАСИ

Хиндистондаги Рампур Сарой кутубхонасида «Муқаддамату-л-адаб» нинг туркий сўзлик киритилган нодир қўлёзмаси мавжуд. 3810 ҳужжат рақамидаги бу қўлёзма тахминан XIII–XIV асрларда китобат қилинган¹⁷.

2.2.7. «МУҚАДДАМАТУ-Л-АДАБ» НИНГ БРИТАНИЯ МУЗЕЙИ ФОНДИДАГИ НУСХАЛАРИ

Англиядаги Британия музейида «Муқаддамату-л-адаб» нинг учта нодир қўлёзмаси сақланмоқда. Муҳим илмий аҳамиятга эга нусхалардан бири 7429 сақланиш рақами остидаги қўлёзмадир. Феъллар қисмидангина иборат бу нусха таркибиға арабий, форсий, кейинчалик туркий сўзлик киритилган. Бундан ташқари хоразмийча сўзлик киритилган ўринлари ҳам учрайди¹⁸. Қўлёзма 760/1359 йили кўчирилган.

Иккинчи қўлёзма исмлар қисмидангина иборат, арабча-форсча-туркий сўзлик киритилган нусхадир. У хижрий 864

¹⁷ Nure Yuce. Mukaddimetu'l-edeb. Hvarizm turkcesi ila Suster nushasi – Ankara: 1993, 9 s.

¹⁸ Z.V. Togan. Horezme tercumeli Mukaddimat al-adab – Istanbul: 1951, 6 s.

йил раЖаб, 1460 йил апрель-май ойларида кўчирилган. Котиб – Аҳмад ибн Юсуф ибн Иброҳим ибн Ёқуб ан-Нагидий. Маълумотларга кўра, кўлёзмада айрим сўзларнинг юончада муодиллари ҳам берилган¹⁹.

Кейинги қўлёзма асарнинг қадими нусхаларидан бири бўлиб, 771/1371 йили китобат этилган. «Муқаддамату-л-адаб» нинг Англиядаги Британия музейи қўлёзмалар фондида сақланаётган қўлёзмалари ўзининг қадимилиги, ўзига хослиги, улардаги ўрни билан киритилган хоразмийча ҳамда юончада муодиллар билан ажралиб туради. Бу қўлёзмалар асарнинг нодир манбалари сифатида илмий аҳамиятга эга.

2.2.8. «МУҚАДДАМАТУ-Л-АДАБ» НИНГ ФРАНЦИЯДА САҚЛАНАЁТГАН ҚЎЛЁЗМАЛАРИ

Франциядаги Миллий кутубхона қўлёзмалар фондида асарнинг 12 та нодир қўлёзмаси мавжуд. Яқинга қадар «Муқаддамату-л-адаб» нинг мазкур фондда сақланаётган иккита қўлёзма нусхаси маълум эди. Франциялик олим, Страсбург гуманитар фанлар университети қошидаги илмий тадқиқотлар миллий маркази ходими Мари Шуппенинг юборган маълумотларига қараганда, қўлёзмалар фондидағи асарларни ўрганиш асарнинг янги нодир нусхаларини аниқлашга имкон берган. Биз қуйида «Муқаддамату-л-адаб» нинг Париж Миллий кутубхонаси қўлёзмалари фондида сақланаётган нодир қўлёзма нусхаларининг илмий тавсифини келтирмоқдамиз.

Anquetil 34 рақамли қўлёзма (Paris Supplement turk 287) «Муқаддамату-л-адаб» нинг қадими, нодир қўлёзма-

¹⁹ Catalogue of the Turkish manuscripts in the British Museum. By Charles Rieu. London, 1988. – p. 345.

ларидан бири. Арабий-туркий сўзлик киритилган икки тилли бу қўлёзмага асарнинг иккинчи – феъллар қисми киритилган. Арабий сўзлик матни ўртача катталиқдаги насх хатида битилган. Қўлёзма таркибидаги туркий сўзликка жуда яқин келади. Масалан, арабий – أَنْشَا يَفْعُلُ كَذَا – анша’а йафъалу каза: ибораси «А» нусхада – يَانِقَى قِيلَادُورْ فَلَانْ اِيْشَنِى – йанқи қиладур фалан ишни, «Б» нусхада – بَشْلَادِي فَلَانْ اِيْشَنِى قِيلُو – башлади фалан иш қилу, «В», «Г» нусхаларда – قِيلُو بَشْلَادِي اُولْ اِيْشَنِى – қилу башлади фалан ишни, Париж нусхасида – قِيلُو بَشْلَادِي فَلَانْ نَايِرْسَانِى – қилу башлади фалан ишни тарзида берилган. Нусханинг ҳар саҳифасига 9 қатордан матн киритилган. Қўлёзма хатининг қадимийлиги, ундаги туркий сўзликнинг китобат хусусиятларига кўра, бу нусха XII–XIII асрларда Хоразмда китобат этилган, деб ҳисоблаш мумкин. Мазкур қўлёзма «Муқаддамату-л-адаб» нинг муҳим манбаларидан бири бўлиб, йиғма туркий сўзлик матнини тузишда қимматли маълумотлар беради. Умумий ҳажми 218 в. Ўлчами 17x25,5.

Париж миллий кутубхонасидағи 1631 рақамли қўлёзма.

(Supl Persan 1631). Асарнинг қадимий арабий-форсий сўзлик киритилган қўлёзмаси. Қўлёзмага муқаддима, исмлар ҳамда феъллар қисми киритилган. Исмлар қисми тўлиқ келтирилган. Феъллар қисмининг бошланиш қисмидан бир саҳифа тушиб қолган, қисм تَلْبِي – салабаху феъли билан бошланган. Мазкур қисм матни охиригача тугалланмаган, нуқсонли. Фасл, боб сўзлари, ажратиб кўрсатилган ўзак ҳарфлари қизил сиёҳда ёзилган. Арабий матн йирик насх хатида, қора сиёҳда битилган. Ҳар бир саҳифага 8 қатордан матнини мазкур фондда сақланаётган 287 рақамли арабча-туркий нусха сўзлиги матни билан қиёслаш уни ҳам XII–

XIII асрларда китобат қилинган, деб хисоблашга илмий асос бўлади. Варақ-ларнинг умумий сони 330 та.

Ancien Fond 1336 в-П рақамли қўлёзма. Бу қўлёзмага лугатнинг исмлар қисми киритилган. Мазкур бўлак 40 варақдан иборат бўлиб, ҳар бир саҳифага 12 сатрдан матн жойлаштирилган. Арабча-форсча сўзлик киритилган ушбу қўлёзма 866 ҳижрий, 1462 милодий йили кўчирилган. Ўлчами 21,5x14,5 см.

Ancien Fond 1315 рақамли қўлёзма таркибига муқаддима, исмлар ҳамда феъллар қисмлари киритилган. XV асрда кўчирилган мазкур қўлёзма матни немис олими М. Ветштейн томонидан 1830 йили нашр этилган «Муқаддамату-л-адаб» матни учун ёрдамчи нусха вазифасини ўтаган. Қўлёзма нуқсонли бўлиб, унинг охири йўқолган. Нусханинг умумий ҳажми 120 варақни ташкил этади, ҳар бир саҳифага 6 қатордан матн жойлаштирилган. Ўлчами 16,5x12 см.

Ancien Fond 1256-1 рақамли қўлёзма. Мазкур мажмуанинг 1–207 варакларидан иборат биринчи қисмига «Муқаддамату-л-адаб» асари киритилган. Қўлёзма асарнинг тўлиқ нусхаларидан бири хисобланади. У тахминан XVI асрда китобат этилган. Саҳифалардаги матнларнинг жойлашиши бир хил эмас, айрим саҳифаларга 10, айримларига 11 сатрдан матн жойлаштирилган. Ўлчами 26x18 см.

Ancien Fond 1290 рақамли қўлёзма. Асарнинг арабча-форсча сўзлик киритилган нусхаларидан бўлиб, XVI асрда кўчирилган. Қўлёзманинг умумий ҳажми 51 варақни ташкил этади. Саҳифаларга 9 сатрдан матн жойлаштирилган, форсий сўзлик сатрлар орасига киритилган. Ўлчами 18,5x13.

Ancein Fond 1317 рақамли қўлёзма. Бу нусха таркибиға фақатгина асарнинг исмлар қисми киритилган. Унда арабча-форсча сўзлик билан бир қаторда туркий муодиллар ҳам ўз аксини топган. Қўлёзма XVI асрда китобат қилинган. Ҳар бир саҳифага 7 қатордан матн жойлаштирилган. Ўлчами 18x13 см.

Ancien Fond 1675-III рақамли қўлёзма. «Муқаддамату-л-адаб» нинг арабча-форсча-туркийча сўзлик киритилган нодир қўлёзмаларидан бири. Унга исмлар (159-223 в.), феъллар (228-302 в.) қисмлари киритилган. Ҳар иккала қисм бир-биридан ёзув тури ва матнининг жойлашиши бўйича фарқ қилади. Қўлёзма XVI асрда кўчирилган. Тавсифда келтирилган маълумотга кўра, бу қўлёзмани Ванелебен Қоҳирада сотиб олган ва 1673 йил август ойида Миллий кутубхонага ҳадя қилган. Ўлчами 11x17 см.

Renandol 481 рақамли қўлёзма. Лугатнинг уч тилли нодир нусхаларидан бири. Қўлёзма 895 ҳижрий, 1490 милодий йили кўчирилган. Арабий сўзлик йирик насх хатида, форсий ҳамда туркий сўзлик настаълиқ хатида битилган. Умумий ҳажми 108 в. Ўлчами 15,5x13 см. Бундан ташқари, Париж миллий кутубхонаси фондида яна арабча-форсча 412, 413, 414 рақамли 3 та, арабча-форсча-туркийча битта қўлёзма мавжуд.

«Муқаддамату-л-адаб»нинг Франция фондларида сакла-наётган қўлёзмаларидан бештаси таркибига туркий сўзлик киритилган. Улар китобат даврига кўра, анчагина қадимий бўлиб, асарни комплекс тадқиқ этиш учун зарур манбалар бўлиб ҳисобланади.

2.2.9. «МУҚАДДАМАТУ-Л-АДАБ» НИНГ БЕРЛИН ҚЎЛЁЗМАЛАРИ

Берлин Давлат кутубхонаси фондида ҳам «Муқаддамату-л-адаб» нинг қатор нодир қўлёзмалари мавжуд. Улар китобат санъатининг нодир асарлари ҳисобланади. Фонддаги асарнинг биринчи нусхаси 66-ракамли қўлёзмадир. «Муқаддамату-л-адаб» нинг бу қўлёзмаси 681 ҳижрий йил сафар (милодий 1282 йил май) ойида кўчирилган. У тўлик беш қисмдан иборат. Арабча-туркий сўзлик киритилган

мазкур нусха «Муқаддамату-л-адаб» асарини ўрганишда мұхим манба бўлиб хизмат қиласди. Асар таркибидаги туркий сўзлик асл арабий матнга нисбатан кейинроқ, қўлёзмадаги қайдга кўра, 776/1374 йили кўшилган. Туркий сўзлик ўзига хос китобат услубига эга, бунда туркий сўзликдаги Ҷ – та ҳарфи иштирок этган сўзларнинг ёнида уларнинг Ҷ – та ҳарфи билан ёзилган шакллари келтирилганлигини кўрсатиш мумкин, масалан, تاریخ – طاریخ – та: ри: x – та: ри: x – тата: р, طاطر – татар шаклида. Бу ҳолни олимлар булғор-татар китобатининг ўзига хос хусусияти деб кўрсатадилар. Демак, қўлёзмадаги туркий сўзлик Булғор ҳудудларида киритилган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Кўлёзманинг умумий ҳажми 196 варакни ташкил этади.

Шунингдек, мазкур фондда 694/1294 йилга оид арабча-форсча тўлиқ нусха, 840/1466 йили кўчирилган форсча сўзлик киритилган, биринчи – исмлар қисмидангина иборат қўлёзма, 847/1469 йили китобат қилинган нусха, исмлар қисмидан иборат 916/1511 йилга оид арабча-форсча қўлёзмалар сақланмоқда.

Фонддаги «Муқаддамату-л-адаб» қўлёзмалари орасида туркий сўзлик киритилган нусхалар ҳам учрайди. Улар 959/1552 йили кўчирилган, феъллар қисми киритилган қўлёзма, 1000/1591 йили китобат қилинган нусха, китобат даври кўрсатилган нодир қўлёзмалардир²⁰.

Шуни таъкидлаш лозимки, Германиянинг Берлин Давлат кутубхонаси қўлёзмалар фондида «Муқаддамату-л-адаб» нинг ўнта нодир қўлёзмаси мавжуд. Улар XIII–XVI асрлар оралиғида китобат қилинган. Бу қўлёзмалар икки тилли – арабча-форсча, арабча-туркийча, уч тилли – арабча-форсча-туркийча сўзлик киритилган нусхалардир. Улар таркибидаги сўзликлар, айниқса туркий сўзлик мұхим аҳамият касб этади.

²⁰ Verzeichniss der arabischen Handichriften von W. Ahlward. B-de I-X, Berlin, 1887-1899, N 6990-6962, 242-245 p.

«Муқаддамату-л-адаб» нинг зикр этилган қўлёзмалари таркибан турли бўлиб, улар орасида беш қисмдан иборат тўлиқ нусхалар, биринчи – исмлар қисми ёки иккинчи – феъллар қисми алоҳида кўчирилган қўлёзмалар, шунингдек, ҳар иккала қисми биргаликда китобат қилинган қўлёзмалар мавжуд.

2.2.10. «МУҚАДДАМАТУ-Л-АДАБ» НИНГ МАРСИГЛИ ҚЎЛЁЗМАСИ

«Муқаддамату-л-адаб» нинг ҳижрий 663 йил 13 рабиъул-охир (милодий 1265 йил) ойида кўчирилган қўлёзмаси Италияning Болонъядаги Марсигли шарқ қўлёзмалари коллекциясида сақланади²¹.

Хуроса шуки, Маҳмуд Замахшарийнинг «Муқаддамату-л-адаб» асари яратилган давридан бошлабоқ муҳим манба сифатида шухрат топган. У фан ва маданиятимизнинг турли соҳалари бўйича қимматли маълумотлар бера оладиган нодир асар бўлганлиги боис, давр унинг кўплаб нусхаларда бўлишини тақозо этган. Шу сабабли у қайта-қайта кўчирилган ва унинг қўлёзмалари жаҳоннинг турли мамлакатларидаги машҳур қўлёзма хазиналарига тарқалган. Улар орасида Ўзбекистон худудида китобат қилиниб, кейинчалик олиб чиқиб кетилган қўлёзмалар ҳам талайгина.

«Муқаддамату-л-адаб»нинг кўп кўчирилиб, кенг тарқалишига яна бир сабаб, унинг кўп тиллилиги ҳисобланади. Асар араб тилида ёзилгани билан унинг исмлар ҳамда феъллар қисмлари форсий, туркий, мӯғулий, хоразмий тилларидаги сўзлик билан таъминланган бўлган. Чунки бу

²¹ Remarquesser les manuscrits orientaux de la collection par Marsiglio à Bologne suivion de la liste complète des manuscrits arabes de la même collection par le baron Victor Rosen. — Rome. 1885, N 371.

қисмлар араб тилида ёзилган бўлса ҳам, араб тилининг изоҳли луғати эмас.

Илмий тадқиқот натижасида «Муқаддамату-л-адаб» нинг исмлар ҳамда феъллар қисмларидан иборат ётмишга яқин нодир қўлёзмалари аниқланди. Бу соҳадаги илмий изланишни изчил давом эттириш филология фани олдидағи долзарб вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ш БОБ. “МУҚАДДАМАТУ-Л-АДАБ” НИНГ МАТНШУНОСЛИК ТАДҚИҚИ

3.1. “МУҚАДДАМАТУ-Л-АДАБ” АСАРИНИНГ ЙИҒМА ИЛМИЙ-ТАНҚИДИЙ МАТНИ ТАҲЛИЛИ

Мумтоз адабиёт намуналарининг кўплаб нодир қўлёзмалари давримизга қадар етиб келган. Маълум бир асар ўз муаллифи ҳаётидан сўнг ҳам унинг илмий қиймати, аҳамияти, етуклиги, омма учун тушунарли, қулай тилда ёзилганлиги ва бошқа бир катор омиллар сабабли қайта-қайта, турли мақсадда ва ҳудудларда, ҳар хил савиядаги котиблар томонидан кўчирилган.

Шу сабабли давр ўтиши билан қўлёзма асарлар таркиби, уларнинг матнига турли ўзгаришлар, қўшимчалар киритилган. Бу эса ўз навбатида қўлёзма мерос билан шуғулланувчи матншунос, манбашунос олимлар олдида қўлёзма асарларнинг илмий-танқидий, йиғма илмий-танқидий матнларини тузиш, асарларнинг дастлабки, муаллиф қаламига мансуб варианtlарига яқин матнларини яратиш каби долзарб муаммони қўяди. Қўлёзма асарларнинг матни билан шуғулланувчи матншунослардан бу вазифа чуқур билим, кенг мушоҳада, синчковлик, малака талаб қиласди.

Умуман, мумтоз адабиёт асарларининг илмий-танқидий матнлари тузилиши асримизнинг 30-йилларидан бошланган. Бу йўналишда дастлаб форс-тожик адабиёти намуналарининг илмий-танқидий матнлари тузила бошлан-ди. Илмий-танқидий, йиғма илмий-танқидий матнларни тузишнинг

ишлаб чиқилган муайян коидаларининг йўқлиги сабабли матншунослар ҳар бир манбага ўзига хос усулда ёндаша бошладилар. Кейинги йилларда қатор ноёб маңбаларнинг илмий танқидий, йиғма илмий-танқидий матнлари ва уларга бағишиланган тадқиқотлар юзага келди.

Хозирги кунда ҳам қатор нодир асарларнинг илмий-танқидий, йиғма илмий-танқидий матнлари устида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Булар жумласига Алишер Навоийнинг “Наводиру-л-ниҳоя” девони, “Лайли ва Мажнун” достонининг илмий-танқидий матнлари, Юсуф Хос Ҳожибининг “Қутадгу билиг” асарининг йиғма танқидий матнларини киритиш мумкин.

“Муқаддамату-л-адаб” асарининг илмий йиғма-танқидий матни ҳам шу соҳадаги муҳим бир қадам бўлиб ҳисобланади. “Муқаддамату-л-адаб” асарининг йиғма илмий-танқидий матнини тузишда чет эл, хусусан ўзбек манбашунослиги, матншунослиги тажрибалари, хулоса-ларига асосланилди. Асарнинг таркибан мураккаблиги, кўп тиллилиги, қўлёзмаларининг тарихан турли давр ҳамда ҳудудларда китобат қилингандиги, ёзув хусусиятларининг ўзига хослиги унинг йиғма илмий-танқидий матнига маҳсус ёндашувни талаб этди.

“Муқаддамату-л-адаб”нинг йиғма илмий-танқидий матнига асарнинг Тошкент қўлёзма фондларида сакланаётган, туркий сўзлик киритилган, нодир қўлёзмалари истифода этилди. Шу вақтга қадар бу қўлёзмалар маҳсус тадқиқот обьекти бўлмаган, улар тўлиқ илмий истифодага киритилган эмас.

“Муқаддамату-л-адаб”нинг “А” нусхаси қиёсланаётган қўлёзмалар орасида китобат даврига кўра нисбатан кейинроқ кўчирилган бўлса ҳам, у ўзининг тўлиқлиги, кўп тиллилиги, нодир маңбалиги, хатининг аниқлиги билан бошқа қўлёзмалардан ажралиб туради.

Йигма илмий-танқидий матнга иккинчи манба сифатида истифода этилган “Б” нусха асарнинг ноқис варианти бўлиб, кўпгина олимларнинг дикқатини ўзига тортган қўлёзмадир. Қўлёзмада китобат тарихи кўрсатилмаган, унинг илмий таҳлили асарнинг мавжуд нусхалари орасида бу манбани энг қадимий қўлёзмалардан бири деб ҳисоблашга асос бўла олади.

“Муқаддамату-л-адаб”нинг “В” нусхаси деб номланган қўлёзма тўлиқ бўлиб, унинг матнидан айрим форсий, туркий сўзлик мақолалари тушиб қолган. Ундаги туркий сўзлик ўзининг оригиналлиги, ўзига хослиги билан ажралиб туради. “В” нусхадаги туркий сўзлик йигма илмий-танқидий матнда истифода этилган “Г” нусхадаги туркий сўзликка монанд бўлиб, унинг матнида айрим жузъий фарқларгина учрайди. Қўлёзма ўта мураккаб хатда ёзилган, сўзлардаги диакритик нуқталар асосан қўйилмаган. Бу эса қўлёзма матни устида ишлаш имкониятини жуда мушкуллаштиради.

Демак, асарнинг йигма илмий-танқидий матнига XII–XV асрлар оралиғида китобат қилинган энг нодир қўлёзмалар истифода этилди. “Муқаддамату-л-адаб”нинг туркий сўзлик киритилган Тошкентдаги тўрт қўлёзмаси таркибига асосан асарнинг иккинчи – феъллар қисми киритилганлиги сабабли, йигма илмий-танқидий матн доирасига арабий-туркий феъллар сўзлиги жалб қилинди. Фанимизда биринчи марта арабий-туркий сўзлик матнига мазкур усулда ёндашилди.

Юкоридаги фикр ва мулоҳазаларга асосланган ҳолда “Муқаддамату-л-адаб”нинг йигма илмий-танқидий матнини тузиш принциплари ишлаб чиқилди. Улар қуидагилардан иборат:

1. “Муқаддамату-л-адаб”нинг киёсланаётган нусхалари жорий алифбонинг “А”, “Б”, “В”, “Г”, “Д”, “Е” харфлари воситасида шартли қисқартма билан белгиланди.

2. Асарнинг арабий сўзлиги мақолалари матнининг ўнг тарафига юқоридан пастга қараб жойлаштирилди. Уларнинг ёнида сўз мақолаларининг қиёсланаётган қўлёзмалардаги жойлашиши ўрни ҳақидаги тўлиқ маълумот кўрсатилди.

3. Қиёсланаётган арабий сўзлик матнидаги сакталик, фарқли жиҳатлар, барча тафовутли ўринлар ҳар бир сахифада алоҳида тартиб рақами билан белгиланди ва бу тартиб рақамлар сўз мақоласининг юқори қисмida ўнг тарафда кўрсатилди.

4. Арабий сўзлик матнидаги ҳаракатларда учрайдиган хатолар, фарқли ўринлар, шунингдек, сўзлардаги диакритик нуқталарнинг тушиб қолиш, ортиқча қўйилиш ҳоллари агар мазмун фарқланмаган бўлса, хато сифатида талқин қилинмади ва матнда кўрсатилмади.

5. Илмий-танқидий матнда арабий сўзлик тўлиқ ҳаракат ҳамда диакритик нуқталар билан кўрсатилди.

6. Қўлёзмалардаги арабий сарлавҳалар тўлиқ қиёсланди, уларнинг матни тўлдирилди. Сарлавҳаларнинг мукаммал шакли йиғма матнга киритилди, хато ёки сакта сарлавҳа шакллари эса матн остида кўрсатилди.

7. Арабий сўз мақолаларининг тўғри мазмун ифодаловчи варианти асосий матнда қолдирилди, хато, фарқли шакллар матн аппарати остига туширилди.

8. Арабий феълларнинг у ёки бу олд кўмакчилари билан келишини назарда тутган ҳолда, улардан бири асосий матнда қолдирилиб, иккинчиси резерв вариант сифатида кўрсатилади.

9. Агар арабий сўз мақоласига кейинчалик бирон сўз киритилиб, мазкур сўз туркий матнда акс этган бўлса, у ҳолда бу кўшимча сўз айнан ўша нусха рўпарасида, асосий матнда кўрсатилди. Агар мазкур кўшимча сўз туркий сўзлик матнida акс этган бўлса, матн аппарати остида тартиб рақами билан кўрсатилди.

10. Асардаги туркий сўзликнинг матни йиғма илмий-танқидий матнининг чап тарафидан берилди. Йиғма матнда қиёсланаётган қўлёзмалардаги туркий сўзлик матни ўзгаришсиз келтирилди.

11. Туркий сўзлик матнидаги сакталиқ, имловий фарқлар, барча тафовутли ўринлар йиғма матнда ўзгаришсиз берилди. Уларнинг тўғри шакллари айнан ўзларининг ёнида қавсда кўрсатилди.

12. Қиёсланаётган у ёки бу қўлёзмалар туркий сўзлиги-даги жумла таркибидан тушиб қолган сўз, қўшимчалар жумла таркибига қавсда тикланди. Бунда мазкур жумланинг бошқа қўлёзмалардаги муодилларига асосланилди.

13. Туркий матнидаги нуқталар қўйилмаган ўринлар агар сўзнинг ёзилиш шакли у ёки бу тарзда асосий сўз қолипига тўғри келса, хато деб қаралмади. Агар сўз нуқталар билан таъминланган бўлиб, у хато мазмунни ифодаласа, у ҳолда ёрдамчи нусхаларга танқидий ёндашиб, унинг тўғри варианти танлаб олинди ва асосий йиғма матнда қавсда кўрсатилди.

14. Агар бирор-бир арабий сўз мақолосининг туркий муодили тушиб қолган бўлса, у матнда очик қолдирилди. Қўлёзмаларнинг айрим саҳифаларидағи ўқиб, англаб олиш имкони бўлмаган туркий сўз мақолалари ўрни матнисиз қолдирилди, лекин уларнинг қўлёзмадаги жойлашиш ўрни ҳақидаги маълумот матнда берилди.

15. “В” ҳамда “Г” нусхалардаги туркий сўзлик матнининг бир-бирига жуда яқинлигини эътиборга олган ҳолда, йиғма илмий-танқидий матнда “В” нусха таркибидан тушиб қолган туркий сўз мақолалари “Г” нусха воситасида тўлдирилди ва матнда жойлашиши маълумоти билан кўрсатилди.

3.2. “МУҚАДДАМАТУ-Л-АДАБ” АРАБИЙ СҮЗЛИГИНИНГ МАТНИЙ ТАҲЛИЛИ

Асар таркибидаги арабий сўзлик матнига илмий-танқидий матн талаблари асосида ёндашилди. Қўлёзмалардаги арабий сўзлик матни бир-бирига синчиклаб қиёслаб чиқилди. “Муқаддамату-л-адаб” нусхаларини қиёслаш арабий сўзлик асосан ўзгаришга учрамаганлигини кўрсатди. Арабий матн даги барча ўзгаришлар, камчилик, хатолар, ўзига хос ҳолатлар матн аппаратида кўрсатилди. “Муқаддамату-л-адаб” ўзига хос асар бўлганлиги учун ҳам унинг илмий-танқидий матни қуйидаги усувларда таҳлил қилинди:

1. Матн мазмунига доир таҳлил;
2. Имловий фарқ ва сакталиклар таҳлили.

3.2.1. МАТН МАЗМУНИГА ДОИР ТАҲЛИЛ

“Муқаддамату-л-адаб” асарининг арабий сўзлик матнида мустақил маъно англаувчи турли сўзлар қўлланилган ҳолатлар учрайди. Бу арабий сўзлар асар матnidаги туркий муодиллар мазмунига мос келмайди. Масалан, “A” нусхадаги (A.223б.4) – زَارُ الْأَمْد – за ара-л-амад мақоласи “B” нусхада (B.46.9) – زَارُ الْأَسْد – за ара-л-асад тарзида изоҳланган. “A” нусхадаги أَمْد – амад сўзи араб тилида “муддат, вақт” (АРСл.43), “B” нусхадаги أَسْد – асад эса “арслон” (АРСл.33) мазмунини англатади. Иборанинг форсий ҳамда туркий муодилларида бу сўз “арслон” мазмунида қўлланилган. Демак, иборанинг юқоридаги زَارُ الْأَسْد – за ара-л-асад шакли матнинг тўғри варианти ҳисобланади.

Таянч қўлёзмадаги (A.224а.3) – زَفَر – зафара феъли ёрдамчи “B” нусхада (B.5а.2) – نَفَر – зафара шаклида берилган.

Лекин ёрдамчи күлөзмада берилган **ذَفْر** – зафар сүзи “ёмон хид” (АРСл275) мазмунини ифодалайди. Қүлөзмалардаги форсий ҳамда туркий муодиллар эса бу сүз мақоласининг “хўрсинмоқ, чукур нафас олмоқ” мазмунини билдиради. Ушбу ўринда таянч нусхадаги **زَفْر** – зафара “хўрсинмок” феъли асл матн мазмунига мос келади, шу сабабли у асосий матнда кўрсатилди. Киёсланаётган таянч ҳамда ёрдамчи нусхалардаги арабий сўзлик матнида турли маънони ифодаловчи сүз мақолалар билан берилган ҳолатлар учрайди. Бундай ҳолатларни таҳлил қилишда уларнинг форсий, туркий муодиллари англатган маъноларига мурожаат этилди ва тўғриланган варинат матнда кўрсатилди. “A” ва “B” нусхаларда (A.2276.5;B.6a.6) **خبر القوم** – хабара-л-қавма – “қавмга хабар берди” ибораси келтирилган. Лекин уларнинг туркий муодиллари “A” нусхада **ایتماک بیردی ایلکا** – этмак бэрди элга, «B» нусхада **اتماک بردی کشی لارکا** – этмак бэрди кишиларга кўринишида берилган. Демак, юқоридаги арабий ибора “одамларга егулик берди” мазмунини англатмоғи керак. Араб тилида “егулик бермок, нон бермок” мазмунини **خبر** – хабара эмас, балки **خبر** – хабаза феъли англатади. Шу сабабли юқоридаги ибора **خبر القوم** – хабаза-л-қавма кўринишида асосий матнга киритилди.

Таянч қўлёзмадаги (A.2456.1) **ٿِم** – салама феъли “B” ёрдамчи нусхада (B.13a.8) **سلم** – салама кўринишида берилган. Лекин арабий **ٿِم** – салама “бузмок” (АРСл.112) маъносини англатса, **سلم** – салама эса “соғлом бўлмок” (АРСл.370) маъносини англатади. Туркий муодилда бу феъльайнан “бузмок” маъносида қўлланилган. Ёрдамчи сўзлик маъносига асосланган ҳолда арабий матнда **ٿِم** – салама феъли қолдирилди.

“B” ва “Г” нусхалардаги арабий (B.8a.8; Г.5a.7) **قرض** – қарада-ш-шеъра ибораси “шеър айтди” маъносини

قرض (A.2326.3) мазкур ибора “А” нусхада (A.2326.3) – **الشعر** – қарада-ш-шаъи : ра кўринишида берилган. Бу жумла “арпани майдалади” (АРСл.407) мазмунини беради. Ушбу ўринда “А” кўлёзмадаги туркй сўзликда келтирилган **قوشوق** – **الشعر** – аш-шэър – “шэър” сўзини аш-шаши: р – “арпа” тарзида кўчирган, бу эса ибора мазмунининг бутунлай ўзгаришига олиб келган бўлар эди. Шунга асосланган ҳолда **قوشوق** – **الشعر** – қарада-ш-шэър – **قرض** – **الشعر** – қарада-ш-шаъир – **قرض** – **الشعر** – қарада-ш-шаъир варианти матн остида хато вариант сифатида берилди.

“А” нусхада (A.234a.4) – **نشط الجمل** – нашата-л-жамал ибораси “туяни никтади” маъносини англатади. “В” ва “Г” нусхаларда эса бу ибора (B.9a, 2; Г.56.6) – **نشط الخيل** – нашата-л-хайл – “ипни эшди”, “арконни буради” мазмунидаги изоҳланган. “А” нусхадаги “нашата-л-жамал” иборасининг мазмуни қўлёзмалардаги туркий муодиллар ифодаланган маънони англатмайди. Бу арабий жумладаги **الخيل** – ал-хайл кўрсатилди. **الجمل** – ал-жамал эса матн мазмунига мос келмаган сўз сифатида матн остида кўрсатилди.

Таянч құләсма (A.243а.2), шунингдек ёрдамчи “Г” нусхадаги (Г.8а.7) – عسل الرمح – ъасала-р-румх – “найза тебранди” ибораси “В” нусхада (В.126.3) عسل الريح – ъасала-р-ри : х тарзиде келтирилған. Иборадаги الريح – ар-ри: х сүзи бошқа құләзмалардаги каби “найза” мазмунини эмас, балки “шамол” мазмунини англатади. Мазкур иборани “шамол тебранди” маъносида таржима қилиш мумкин. У ҳолда арабий сўзликнинг мазмуни форсий, туркий сўзлик англатган маънони ифодаламайди. Шу сабабли асосий матнда арабий сўзлик عسل الرمح – ъасала-р-румх тарзиде қолдирилди.

Асарнинг арабий матнида бир сўзниң ўрнига бошқа маънодаги шаклан ўхшаш сўзниң қўлланиш ҳоллари ҳам

جزر الجزور (B.46.3) – ماسالан, ёрдамчи “B” нусхада – جزر (A.2226.4) – жазара-л-жазу: ра ибораси “A” нусхада – جزور – жазара-л-жузу: ра шаклида берилиган. Арабча – جذور – жазу: р сўзи “курбон қилинажак түя” (АРСл.122) маъносини англатади. Иборанинг туркий мудилида айнан “түя” сўзи назарда тутилган. Шу сабабли, мазкур сўз матнда – جزور – жазу: р шаклида кўрсатилди.

Маълумки, араб тилидаги айрим феъллар мустақил ҳолда бир мазмунни англатса, бирор бир олд қўшимча билан бошқа бир мазмунни англатади. Шунингдек, феъллар бир мазмунни ифодалаш учун турли олд қўшимчалар билан қўлланилиши мумкин. Бундай ҳолатлар “Муқаддамату-л-адаб”нинг қиёсий ўрганилаётган қўлёзмалари матнida ҳам учрайди. Масалан, араб тилидаги عذر – من – عن – ҳамда – ҳан олд қўшимчалари билан қўлланилади. Айнан шу феъл “A” нусхада эса عن – ҳан олд қўшимчаси билан (B.5a.8) عذره عن – الشيء – ҳазараҳу ҳани-ш-шай и тарзида битилган. Буларнинг иккиси тўғри вариант сифатида асосий матнда кўрсатилди.

Ёрдамчи “B” ҳамда “Г” нусхаларда (B.12a.8; Г.8a.5) عتلہ الى السلطان – ҳаталаҳу ила-с-султаг:н олд қўмакчаси билан қўлланилган, “A” нусхада эса мазкур феъл على – ҳала олд қўмакчиси билан кўчирилган; (A.2426.3) عتلہ على السلطان – کوچ بيله تارти انى سلطان سارى ҳаталаҳу ҳала-с-султаг:н куч била тартти ани султан сари. Демак, қўлёзмаларда عتل – ҳатала феъли على – ҳала ҳамда الى – ила олд қўшимчалари билан қўлланилган.

Араб адабий тилидаги دان – да : на “қарз бермоқ, бермок” (АРСл.271) феъли қўмакчиси билан қўлланилган бўлса, ёрдамчи нусхаларда (Б.17a.5; В.23a.1; Г.156.7) دان له بالصيغة – да: на лаҳу би-сайъати кўринишида ل - ли қўмакчиси билан қўлланилган бўлса, ёрдамчи нусхаларда دانه بالصيغة – да: наху бир-с-сайъати тарзида қўмакчи кўрсатилган. Ҳар иккала

ҳолат ҳам ўринли бўлганлиги сабабли, улардан бири матнда ва иккинчиси фарқли ҳолат сифатида матн остида берилди.

Арабий матндағи иборалар таркибида маълум арабий сўзниң маънодошини қўллаш ҳолатлари ҳам учрайди. Масалан, қиёсланаётган қўлёзмаларда “қул” мазмунида عبد – ъабд сўзи ифодаланган. Қўлёзма матнида мана шу сўз иштироки бир неча бирикмада учрайди. “В” ва ”Г нусхаларда (B.11a.5; Г.7a.8) – عنق العبد – ъатақа-л-ъабд – “кул озод бўлди” ибораси учраган. Мазкур иборанинг арабий асли “А” нусхада (A.239б.2) – عنق الغلام – ъатака – л-ғула: м тарзида ёзилган. Йиғма-танқидий матнда юқоридаги ҳар иккала ҳолат кўрсатиб ўтилди.

Бир-бирига маънодош عقد – ъақд ҳамда ده – ъаҳд сўzlари ҳам бир маънони ифодалаш учун хизмат қилган. “А” ва “Б” нусхаларда бу сўз ده – ъаҳд кўринишида (a.182a.4; Б.226.1) – وفي بالعهد – вафа би-л-ъаҳд тарзида, “В” ҳамда “Г” қўлёзмаларида эса (B.256.8; Г.176.7) – وفي بالعقد – вафа би-л-ъақд шакли берилган. Қиёсланаётган барча қўлёзмаларда бу сўзлар “аҳд” мазмунида изоҳланган.

Қўлёзмаларда арабий сўзлик матнида фарқланувчи сўз мақолаларининг туркий сўзлик матнида ҳам фарқланиш ҳоллари учратилди. Бундай ҳолларда фарқли ўринлар алоҳида кўрсатилди. Масалан, “А” ва “Б” нусхаларда (A.261б.1; Б. 106.7) арабий – وآل – ва-ала феъли туркий – қутулди тарзида ифодаланган. Лекин “В” ва “Г” нусхаларда эса (B.19a; Г.13a.6) – من وآل منه – ва ала минху тарзида феъл – мин кўмакчиси билан қўлланилган ва бу кўмакчининг мазмuni туркий матнда ҳам ифодаланган, яъни قوتولدى اندىن – қутулди андин тарзида берилган.

Арабий матндағи ўзгариш туркий сўзликда ҳам акс этганлиги – فعل يفعل – фаъала йафъалу қолипидаги сўз мақолаларида ҳам учрайди. Мазкур бўлимда طرا – тара, а

мақоласини изохлашда “Б” ва “В” нусхаларида (Б.936.3; В.67а.4) طرأ علينا – тара, а ъалайна: ибораси қўлланилган ва у туркийда “бизнинг олдимизга сездирмасдан келди” мазмунида изохланган. Бу мақола “А” нусхада эса (А.385а.1) طرأ علينا فلان – тара, а ъалайна: фула:н тарзида берилиб, унинг таркибидаги фула:н – “фалончи” сўзи эса туркийда ҳам ўз аксини топган ва у “фалончи бизнинг олдимизга билдири-масдан келди” мазмунида берилган. Юқоридаги ўзгаришли жиҳатлар асар матнида кўрсатиб ўтилди.

3.2.2. ИМЛОВИЙ ФАРҚ ВА САКТАЛИКЛАР ТАҲЛИЛИ

“Муқаддамату-л-адаб” таркибиға киритилган арабий сўзлик матнини таҳлил килиш матнда турли фарқ, имловий хато, сакталиклар мавжудлигини кўрсатди.

“Муқаддамату-л-адаб”даги феъл бобларининг номлари матнда сарлавҳа тарзида кўрсатилган. Сарлавҳалар матни қиёсланаётган қўллётмаларда асосан ўзгаришсиз келтирилган. Ёсекин қўллётмаларда арабий матннаги сарлавҳаларнинг тушиб қолиш ҳоллари ҳам қузатилади. Масалан, “А” қўллётмадаги فعل يفعل – фаъала йафъилю қолипидаги биринчи боб феъллари таркибиға кирган – المضاعف – ал-муда: ъаф – “иккиланган феъллар” сарлавҳаси қўллётма матнида тушиб қолган.

Шунингдек, “А” нусхадан (А.2626.2) биринчи боб فعل المعتل الفاء بالياء – ал-муъталлу-л-фа: би-л-я: – “биринчи ўзаги йа: билан ифодаланган феъллар” қисмининг сарлавҳаси ҳам тушиб қолган. Қиёсланаётган “В” нусхадаги فعل المعتل الفاء واللام – ал-муъталлу-л-фа: ва-л-ла: м – “биринчи ва учинчи ўзаги иллатли” бўлган қисмининг сарлавҳаси ҳам матндан тушиб қолган.

Қўлёзмаларда арабий матндағи сарлавҳалар тўлиқ кўрсатилмаган ҳолатлар ҳам учрайди. І боб феълларининг учинчи ўзаги йа: билан ифодаланган бўлими “Б”, “В”, “Г” нусхаларда (Б.176.6; В.23а.7; Г.16а.1) – المعتل اللام – ал-муъталлуп-лла: м, “А” нусхада – المعتل اللام بالياء – ал-муъталлуп-лла: м би-л-йа: тарзида тўлиқ кўрсатилган.

Сарлавҳалар матнида йўл кўйилган ноқисликлар қиёсланаётган нусхалар асосида тўлдирилди. Масалан, биринчи боб феълларининг биринчи ўзаги ва: в билан ифодаланган ва иккинчи ўзаги иккиланган феъллар қисми “Б” нусхада – المعتل الفاء من المضاعف – ал-муъталлуп-л-фа: мина-л-муда: – ъаф тарзида кўрсатилган. “А”, “В” ва “Г” нусхаларда эса бу сарлавҳа – المعتل الفاء بالواو المضاعف منه – ал-муъталлуп-л-фа: би-л-ва: в ал-муда: – ъаф минху шаклида тўлиқ берилган. Сарлавҳанинг мана шу тўлиқ шакли асосий матнга киритилди.

Қўлёзмалардаги сарлавҳаларни қиёслаш уларнинг грамматик жиҳатдан тўгри ва мукаммал вариантини яратиш имконини беради. Масалан, І боб феълларининг биринчи ўзаги иллатли бўлган қисми “Б”, “В” ҳамда “Г” нусхаларда – المعتل الفاء من المضاعف – ал-муъталлуп-л-фа: мина-л-муда: ъаф кўринишида қоидаги биноан ёзилган. Лекин мазкур сарлавҳа “А” нусхада – المضاعف منه – ал-муда: ъаф минху тарзида қисқартириб берилган. Бу эса юкоридаги қисмга киритилган феълларнинг хусусиятларини тўлиқ очиб бермайди. Шу сабабли матнда сарлавҳанинг المعتل الفاء من المضاعف – ал-муъталлуп-л-фа: мина-л-муда: ъаф мазмунидаги тўлиқ шакли қолдирилди ва қисқартма шакли остида кўрсатилди.

Қиёсланаётган қўлёзмаларнинг арабий матнда ҳарфларнинг ўзагариши, хато ёзилиши ҳоллари учрайди. Масалан, “Б”, “В” нусхалардаги (Б.97а.5; В.696.5) – نفح المسك – нафаҳа-л-

миску – “мушк ҳид таратди” жумласи “А” нусхада (A.3406.4) سفح المسك – сафаха-л-миску тарзида берилган. Жумладаги феълнинг биринчи ҳарфи ўзгарган ва сўз бошқа шаклга келиб қолган. Тадқикотда жумланинг тӯғри نفح – на фаха шакли қолди.

Арабий халажа-л-қутна мақоласи “А” нусхада (А. 129.3) حلح القطن – жалажа-л-қутна, “В” нусхада эса (В.3а.2) юқоридагидек халажа-л-қутна тарзида изоҳланган. Асарнинг “Д” нусхасида эса (Д.77) حلح خالاخا кўринишида берилган, лекин бу феъл ўзаги араб тилида маъно англатмайди. Демак, “тозаламоқ” мазмунини ифодалаган халажа феъли асардаги матн маъносига тӯғри келади. Кўлёзмалардаги حلح – жалажа, حلح – خالاخا шакллари эса матн мазмунига мос келмайди ва улар матн аппарати остида хато вариантлар сифатида кўрсатилди.

Ҳарфларнинг ўзгариш, хато ёзилиш ҳоллари қиёсланаётган барча қўлёзмалар матнида учрайди.

Қиёсланаётган қўлёзмалар матнида арабий сўз мақолаларидан айрим нуқталарнинг тушиб қолиш ёки орттириш ҳоллари ҳам мавжуд. Масалан, نسح الثوب – насажа-с-савба ибораси “А” нусхада (A.219a.4) نسح الثوب – насаха-с-савба кўринишида келтирилган, лекин نسح – насаха ўзаги араб тили луғатларида маъно фарқланмаган. Ёрдамчи “В” қўлёзмада мазкур ибора (В.3а.7) نسح الثوب – насажа-с-савба, “Д” нусхада эса نسح الثوب – шаклида нуқталарсиз берилган. Мақоланинг “тўқимоқ” мазмунидаги туркий муодили маъносини арабча насажа феъли англатади. Шу сабабли نسح الثوب – насажа-с-савба ибораси асосий матнда кўрсатилиб, نسح الثوب – насаха-с-савба шакли матн остида фарқли ҳолат сифатида берилди.

Ёрдамчи “Б” нусхадаги (Б.916.6) – عنى ъанийа феъли “Г” нусхада (Г.45a.9) – عنى ғанийа тарзида келтирилган. Бу эса туркий сўзлик мазмунининг ўзгаришига олиб келиши керак

эди, лекин сўзнинг “Г” нусхадаги туркий муодили айнан
عنى – ъанийа – امکاندى – эмганди мазмунида берилган. Демак,
юқоридаги феъл шакли – عنى – ъанийа тарзида матн мазмунини
тўғри ифодалаган бўлади.

Истифода этилган қўлёзмалар арабий матни таркибидаги
иборалардан айрим бўлакларининг тушиб колиш ҳоллари
учрайди. Бундай ҳолларда ибораларнинг тўлик варианtlари
тўғри деб топилиб, асосий матнда қолдирилди, нокис
кўринишлар эса танқидий матн остида кўрсатилди. Масалан,
“А” нусхадаги (A.220a.3) – منھه – манаҳаҳу мақоласи “А”
нусхада (B.36.3) – منھه ملا – манаҳаҳу ма: лан сўзи тушиб
қолган, “Д” нусхада ҳам ушбу сўз акс эттирилмаган. Қўлёз-
малардаги туркий муодиллар (A.220a.3) – نيمه بخشدادی افقه –
нима бахишлиди анка, (B.36.1) – برنا بردى انكا – бирна бэрди
анга айнан ма: л сўзининг ибора туркибида зарурлигини
талаб этади. Шу боисдан, асосий матнда منھه ملا – манаҳаҳу
ма: лан ибораси қолдирилди ва منھه – манаҳаҳу кўриниши
иборанинг варианти сифатида берилди.

Таянч қўлёзманинг فعل يفعل – фаъала йафъилу қолипидаги
феъллар бобида (A.221a.4) سرد القراءة – сарада мақоласи кел-
тирилган. Мазкур феъл арабий سرد القراءة – сарада-л-қира:
ата ибораси воситасида изоҳланган. Таянч қўлёзма
матнини ёрдамчи нусхалар матни билан қиёслаш вактида
бу иборанинг кейинги қўлёзмаларда нисбатан тўликроқ
эканлиги аникланди. Бу сўз мақоласи “В” нусхада (B.36.8)
سرد القراءة والحديث – سارادا-ل-қира: ата ва-л-хади: са шаклида
тўлик берилган. Ҳар иккала қўлёзмадаги арабий сўзлик
ундаги туркий муодиллар мазмунига мос келади: (A.221a.4)
اولاشوقىلدى اوقيماقى (Г.2a.5) – او لاشىوردى او قور
ulaishi-yurdi okur, – تغى سوزنى – улашу қилди оқимакни тағи созни. Илмий-
танқидий матнда асосий сўз мақоласи сифатида сарада-л-қира:
ата ва-л-хади: са ибораси кўрсатилди. Унинг сарада-
л-қира: ата кўриниши вариант сифатида изоҳланди.

Құләзмалар матнида айрим сүз мақолаларининг кейинчалик тұлдирилғанлыгини күриш мүмкін. Масалан, “Муқаддамату-л-адаб” нинг XIII–XIV аср құләзмалари матнида – فعل يفعل – фаъла یاғғылу қолипидаги сүзлар сирасига – نذر – назара (B.6a.1.; 36.2) феъли киритилған. Айнан шу сүз мақоласи XV аср құләзмасида (A.227a.1) – назара – نذر اللہ (A.227a.1) – назара лилла: хи тарзида тұлдирилған ва – نذر قیلادی – назара – نذر – назр қылды, – نذر قیلادی تینکری کا – назара лилла: хи – назр қылды ғонгрига күринишида берилған. Улар таркибидан من الغمد мина-л-гимди – “қіндан” мазмунидаги бүлак тушиб қолған. Қиёслаш вактида фактгина “Б” нусхада (B.49a.6) жумла түлилек эканлиги исботланған: سل السیف من الغمد – салла-с-сайфа минал-ғимди ва у асосий матнида күрсатылды.

Құләзмалардаги – قرح – қариха феъли “яралик бүлди” (Мұхит.3.251) мазмунини англатған. “В” нусхада эса бу феъль (B.53a.5) – قرح جلدі – қариха жилдуху – “унинг териси яралик бүлди” тарзида тұлдирилған. Матнда бу тұлдирилған ҳолат фарқыл шакл сифатида күрсатылды.

Құләзмаларнинг арабий матнидаги имловий хатолар сирасига шаклан нотұғри ёзилған ҳарфлар ҳамда белгиларни ҳам киритиш мүмкін. Бундай хатоли ўринлар кам бүлсада құләзмалар матнида учраб туради.

Масалан, араб тилидаги ўтган замон феълининг З шахс муаннас шаклиға муаннаслық белгиси – ат құшымчаси құшилади. Мана шу құшымча ش – те ҳарфининг алохидада ёки сүз охиридаги күринишилари воситасида ёзууда акс штирилади. Қиёсланаётган “А” нусхада юқоридаги құшымчанинг ة – та марбута күринишидаги ҳолати учрайди: (A.224a.4) – سفرة المرأة – сафарати-л-мар ату. Ёрдамчи “В” нусхада бу ибора (B.5a.3) – سفرت المرأة – сафарати-л-мар ату шаклида тұғри ёзилған.

Таянч “А” нусха матнини ёрдамчи “В” нусха матни билан солишириш чоғида “А” нусхадаги ما نبیس بکلمة – ма: набиса

би калиматин иборасининг “В” нусхада **ما نس بکلمه** – ма: таса би каламиҳи тарзида изоҳланганлиги аниқланди. Лекин, “В” нусхадаги арабий ма: таса би каламиҳи ибораси туркий муодил англатган мазмунни ифодаламайди. «А» нусхадаги **ما نبیس بکلمة** – ма: набиса бикалиматин ибораси тӯғри варианти сифатида қабул қилинди ва матнда кўрсатилди.

Таянч қўлёзмадаги (A.237a.2) арабий **هقف به** – ҳақафа биҳи жумласи ёрдамчи нусхаларда **هتف به** – ҳатафа биҳи шаклида берилган. “А” нусхадаги ҳақафа феъли араб тилида маъно англатмайди, лекин ҳатафа эса туркий муодилларда берилган “чақирмоқ, қичқирмоқ” маъноларини билдиради. Шу муносабат билан ёрдамчи нусхалардаги **هتف** – ҳатафа феъли асосий матнда тӯғри варианти сифатида кўрсатилди.

Айрим ҳарфларнинг фарқли ёзилиш ҳоллари ёрдамчи нусхаларда ҳам учрайди, масалан, “Куръонни хатм қилди” мазмунидаги **ختم القرآن** – хатама-л-кур ана ибораси “А” ҳамда “В” нусхаларда ўзгаришсиз берилган. Мазкур ибора “Г” нусхада **خطم القرآن** – хатама-л-курана тарзида **ط**-та билан берилган. **خطم** – хатама феъли эса юкоридаги мазмунни англатмайди. Демак, “Г” нусхадаги арабий ибора феъли нотўғри кўчирилган.

Арабий матн таркибида грамматик жиҳатдан хато ҳисобланган кўринишли ҳолатлар ҳам учрайди. Матндаги бундай хатоли ўринлар грамматик жиҳатдан таҳлил қилиниб, бошқа нусхалар матни билан қиёсланди ва грамматик тӯғри сўз мақоласи асосий матнда келтирилди. Масалан, “Г” нусхадаги (Г.46.3) – **ترنادی یوزنى** – тиранади йузни иборасининг арабий муодили “В” нусхада (B.76.3) – **خدش الوجهه** – хадаша-л-важҳаҳу кўринишида берилган. Лекин ушбу иборадаги **الوجهه** – ал-важҳаҳу сўзи грамматик жиҳатдан хато ёзилган. Чунки араб тили грамматикаси коидасига мувофиқ бирикib келувчи олмошлар қўшилган сўзлар грамматик аниқ ҳисобланади ва

уларга аниқлик кўрсаткичи али:ф ла: м қўшилмайди. Бундан ташқари “Г” нусхада бу ибора **خُدش الوجه** – хадаша-л-важҳа кўринишида тўғри берилган.

Ёрдамчи “В” нусхада (B.516.1) – رَغْبَ بِكَ – рағиба бика жумласи **كونکول لادی انکا** – конгуллади анга шаклида изоҳланган. Лекин арабий жумладаги иккинчи шахс бирлик мазмунини ифодаловчи маъно туркий муодилда акс этмаган. Мазкур ибора “А”, “В” ҳамда “Г” нусхаларда – رَغْبَ فِيهِ – рағиба фиҳи ибораси қолдирилди.

Грамматик жиҳатдан хато берилган ҳолатга қуйидаги жумлани ҳам келтириш мумкин. “Идишда сув қолди” мазмунидаги سَأَرْ سُورَ فِي الْأَنَاءِ – са арасу р фи-л-ина: и жумласи “А” ва “Б” нусхаларда (A.3426.1; B.98a.6) юқоридаги каби ўзгаришсиз берилган. Лекин “В” ҳамда “Г” нусхаларда эса бу жумла سَأَرْ سُورَ فِي الْأَنَاءِ кўринишида ёзилган. Гапнинг эгаси тушум келишиги кўринишида су рун тарзида келтирилган. Шу сабабли “В” ва “Г” нусхалар билан қиёслаш чоғида ҳар иккала ёрдамчи қўлёзмаларда бу иборанинг фарқли эканлиги аниқланди. Мазкур ибора “В” нусхада (B.126.4) – عَقْلُ الْعَقِيل – ъақала-л-ъақи:л, “Г” нусхада эса (Г.86.8) – عَقْلُ الْقَيْتَل – ақала-л-қи:та:л тарзида берилган. Ёрдамчи нусхалардаги عَقْلُ الْعَقِيل – عَقْلُ الْقَيْتَل – ал-ъақи:л ҳамда – عَقْلُ الْقَيْتَل – ал-қи: та:л сўзлари асосий матнидаги عَقْلُ الْقَيْتَل – ал-қати:л мазмунини англатмайди. Шу сабабли, мазмундан келиб чиққан ҳолда танқидий матнда – عَقْلُ الْقَيْتَل – ал-қати:л сўзи қолдирилди. Ал-ъақи:л, ал-қи: та:л сўзлари матн остида фарқли сўзлар сифатида келтирилди.

Киёсланаётган барча қўлёзмаларнинг арабий матнида хато шакл сифатида қўлланилган сўз мақолалари уларнинг туркий ҳамда форсий муодиллари англатган маънолари асосида текширилди ва тўғри маънодаги сўз шакли асл матнга тикланди. Масалан, “мен фалон нарсани унинг оғзидан эшитдим” ибораси қўлёзмаларнинг арабий матнида سمعت

– كذا من فلق فيه – самильту каза: мин фалаки фиҳи күринишида келтирилган. Лекин барча қўлёзмаларда хато кўчирилган. Мақола англатган маъно асосида жумладаги фи: ҳи – “унда” сўзи фамиҳи – “унинг оғзи” кўринишида ўзгартирилди ва асосий матнда кўрсатилди.

Арабий матннинг – أَفْعُلُ يَفْعُلُ – афъала йуфъилу қолипидаги афзаҳау-л-амр – “иш уни кўрқитди” жумласининг арабча шакли қиёсланаётган нусхаларда турлича кўрсатилган. Жумла матни “А”, “В”, “Г” қўлёзмаларда – أَفْطَعَهُ الْأَمْرُ – اَفْصَعَهُ الْأَمْرُ – ақтаҳау-л-амр, “Б” нусхада эса – афдаҳау-л-амр кўринишида берилган.

Арабий сўзлик матнида жумла ёки ибораларнинг ўрнида қўлланмаслик ҳолатлари ҳам учрайди. Манба шундай ҳолатлар қиёсланаётган бошқа қўлёзмалар асосида солиширилиб, грамматик жиҳатдан тўгри деб топилган шакл асл матнга олиб чикилди. Масалан, “нарсани елкасида ёки бошида кўтарди” иборасининг тарабий матни “А” ҳамда “В” нусхаларда (A.242a.1; B.12a.4) او على رأسه حمل الشيء على (أَوْ ظَهَرَ) – ҳамала-ш-шай ъала заҳриҳи ав ъала ра сиҳи шаклида келтирилган, лекин, ёрдамчи “Г” нусхада эса (Г.8a.1) حمل الشيء او على ظهره على رأسه – ҳамала-ш-шай а ав ъала заҳриҳи ъала ра сиҳи кўринишида берилган. Ушбу иборадаги او – ав ёки уюшиб келаётган бўлаклар орасида келиши керак эди, лекин у уюшиқ бўлаклардан олдин келган. Матнда жумладаги сўзлар тартиби грамматик жиҳатдан тўғри ҳолатга келтирилди ва матнда кўрсатилди.

“Муқаддамату-л-адаб”нинг арабий матни таркибига киритилган сўз мақолалари орасида ортиқча қўлланилган حمل نفسه في السير – ҳамала ъала нафсиҳи фи-с-сайр – “ўзини юриб чарчатди” ибораси “Г” нусхада (Г.8a.2) حمل عليه نفسه في السير – ҳамала ъалайҳи ъала нафсиҳи фи-с-сайр

کўринишида берилган. Мазкур иборадаги على – ъала олд кўмакчиси жуфт қўлланилган, лекин улардан бири жумла таркибига ортиқча киритилган.

Асар матнида сўз мақолаларига қўшимча тарзида кири-тилган, лекин мазкур қўшимча сўз туркий сўзлиқда акс этмаган ҳоллар ҳам мавжуд. Арабий сўзлиқдаги شقه – шаққаҳу феъли барча қиёсланаётган қўлленинг туркий сўзлигида йарди ани باردي اني – шق الشيء – шаққа-ш-шай а – «нарсани ёрди» шаклида берилган. «Нарсани ёрди» мазмуни эса ёрдамчи нусхалар сўзликларида акс этмаган. Демак, иборадаги الشيء – аш-шай сўзи котиб томонидан кейинчалик киритилган, унинг мазмуни “уни” маъносини ифодаловчи ° – ху бирикма олмоши вазифасига яқинлаштирилган.

